Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

9 июнь 1972 йил, жума ◆ № 134 (15.305). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР 50 йил

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА МУСОБАҚА АВЖ ОЛИБ БОРМОҚДА

ИОСИП БРОЗ ТИТО РИГАДА

РИГА, 7 июнь, (ТАСС). Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг Раиси Иосип Броз Тито рафиқаси билан бирга бугун Москвадан Ригага келди.

Иосип Броз Тито аэропорт-дан ўзига ажратиб берилган резиденцияга қараб йўл олди.

* * *

Латвия Компартияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Иосип Броз Тито ва унинг рафиқаси шарафига нонушта зиёфат бердилар.

Зиёфатда Югославия томонидан Иосип Броз Титога ҳамроҳ бўлиб келган ЮСФР партия ва давлат арбоблари бўлдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси В. П. Рубен, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат чоғида А. П. Кириленко, А. Э. Восс ва И. Броз Тито қадаҳлар кўтариб нутқ сўзладилар.

Нонушта зиёфат самимий дўстона вазиятда ўтди.

УЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети учинчи сессиясининг мажлислар залида.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, баҳор ноқулай келганлиги сабабли туғилган қийинчиликларни бартараф этдилар, қурт боқишни уюшқоқлик билан ўтказдилар ҳамда давлатга пилла сотиш йиллик планини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан аввал бажардилар.

Ғайёрлов пунктларига 21 минг тоннадан ортиқ, яъни бутун 1971 йилда тайёрланганидан кўпроқ қиммати хом ашё топширилди.

Ҳар қути қурт уруғидан 63 килограмм, яъни ўтган йилнинг шу давригача олинганидан 10 килограмм кўп пилла олинди.

Бухоро области пиллачилари катта муваффақиятларга эришдилар, улар давлатга 3232 тонна пилла сотиб, планни 135 процент бажардилар. Наманган области пиллачилари 2600 тонна пилла сотиб, планни 126 процент бажардилар. Пилла тайёрлаш планларини ошириб бажарганлар орасида Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм областларининг хўжаликлари бор.

Давлатга пилла сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга 4,9 минг тонна пилла тайёрлаган Фарғона областининг, 3 минг тоннадан кўпроқ пилла тайёрлаган Андижон областининг пиллачилари катта ҳисса қўшдилар. Улар пилла ҳосилини териб олишни ва пландан ташқари пилла топширишни давом эттирмоқдалар. Қашқадарё, Самарқанд областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари пилла тайёрлаш йиллик планларини бажариш арафасида турибдилар.

Деярли ҳамма колхозлар, совхозлар ва районлар пилла етиштириш ва уни давлатга сотиш юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажардилар.

Беш йилликнинг иккинчи йилида Ленинград, Қува, Ғиждувон, Андижон, Узбекистон, Чуст, Ромитан, Бухоро, Наманган, Свердлов, Қорақўл, Ленин, Тўрақўрғон, Балиқчи, Уйчи, Янгиқўрғон, Янгиариқ, Янгийўл, Поп, Қарши, Урганч, Термиз, Хива, Оққўрғон, Жиззах, Боғот, Бекобод, Беруний, Косон, Жарқўрғон, Шўрчи, Бўка, Гулистон, Чироқчи, Ульянов, Сирдарё, Задарё, Бўз ва бошқа районларнинг пиллачилари энг катта муваффақиятларга эришдилар.

Жарқўрғон районидаги «Москва», Бўка районидаги «Партия XX съезди», Москва районидаги «Ленин йўли», Ленин районидаги «Узбекистон», Бухоро районидаги «Правда», «Ленинизм», Тўрақўрғон районидаги Калинин номли, Задарё районидаги «Гигант», Бағдод районидаги «Победа», Охунбобоев районидаги Киров номли, Бекобод районидаги Ленин номли, Вобкент районидаги Зарафшон, Қизилтепа районидаги «Ленинград», Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь», Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод» колхозлари, Чуст районидаги Худойбердиев номли, Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари ва бошқа кўпгина хўжаликлар ҳар қути қурт уруғидан 80-100 килограмм пилла олдилар.

Республиканинг машҳур пиллакорлари ҳар қути қурт уруғидан 120 килограмм ва ундан ҳам кўп юқори сифатли пилла етиштириб, рекорд ҳосил олишга эришдилар. Улар орасида СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленинград районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси Олияхон Султонова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Москва районидаги «Қизил Юлдуз» колхозининг аъзоси Рўзихон Жўраева, Хива районидаги Огаҳий номли колхоз аъзоси Назира Полвонова, Боғот районидаги Киров номли колхоз аъзоси Қурбон Кўчқорова, Қоракўл районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси Аидахон Муродова, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси Ширин Ихтиёров, Шеробод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси Саодат Муҳаммадиева, Беруний районидаги Навоий номли колхоз аъзоси Ғилжон Рўзимова ва бошқа кўпгина кишилар бор.

Бу катта ғалаба — колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати натижасида, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик иши натижасида қўлга киритилди.

Бу йил ҳамма жойда қуртлар жадал усулда боқилди, тут барги ҳосилини кўпайтириш ва ундан рационал фойдаланиш тадбирлари амалга оширилди, пиллачиларнинг меҳнатига етиштирилган пилланинг сифати ва миқдорига қараб бевосита пул билан ҳақ тўлаш жорий этилди.

Республика қурт уруғи заводларининг меҳнаткашлари уруғ етиштириш технологиясини анча яхшилаб колхоз ва совхозларни Ватанимизда етиштирилган юқори сифатли қурт уруғи билан етарли миқдорда таъминлади.

Пилла қуритиш ходимлари пиллани қабул қилиш ишини уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Пилла сотиш давом этмоқда.

Республика пиллачилари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яна камида 2 минг тонна пилла сотиш мажбуриятини олдилар.

ТЎРТ ОБЛАСТЬ РАПОРТИ

ФАРҒОНА

Фарғона областининг пиллачилари пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Давлатга 4.868 тонна аъло сифатли пилла топширилди.

Ўзбекистон, Ленинград, Қува, Охунбобоев ва Бағдод районларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бағдод районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози, «Победа» колхози, Охунбобоев районидаги Киров номли, Фрунзе районидаги Калинин номли колхозларнинг пиллачилари социалистик мусобақада алоҳида ибрат кўрсатдилар.

Фарғоналиклар пландан ташқари 700 тонна пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

ТОШКЕНТ

Тошкент областидаги хўжаликлар пилла тайёрлаш йиллик планини адо этдилар. Хўжаликлар тайёрлаш пунктларига 1.381 тонна пилла етказиб бердилар. Ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 63 килограммдан пилла олинди.

Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Янгийўл, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ва Пискент районларининг пиллачилари планни бажаришга катта ҳисса қўшдилар. Бекобод районидаги 1-«Далварзин», 2-«Далварзин», 4-«Далварзин» совхозлари, Ленин номли колхоз, Бўка районидаги Мичурин номли, «Партия XX съезди», Янгийўл районидаги «Коммунизм», Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхозлар ва бошқа анчагина хўжаликлар пландан ташқари кўп миқдорда пилла топширдилар.

Тошкент областининг пиллачилари СССР ташкил топган кунининг шонли 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, давлатга 1.550 тонна — пландагидан 170 тонна ортиқ пилла топширамиз, социалистик мажбуриятларимизни бажарамиз, деб ваъда бердилар.

ХОРАЗМ

Хоразм областининг пиллачилари пилла тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Ватанимиз 1.427 тонна юқори сифатли пилла олди. Урганч, Хива, Янгиариқ ва Ҳазорасп районларидаги хўжаликларнинг пиллачилари қўклам фаслида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, йиллик планларини Хоразм областида биринчи бўлиб адо этдилар. Хива районидаги Огаҳий номли колхозининг илғор пиллачиси Назира Полвонова, Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси Ниёжон Бобожонова, Боғот районидаги Киров номли колхоз аъзоси Қурбон Кўчқорова, Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси Сафаргул Раҳимова, Шовот районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси Саодат Ҳусаинова, Гурлан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аъзоси Қурбон Рўзметова ва неча юзлаб бошқа илғор пиллачилар пилла қуртини жадал боқиб ўстириш методини қўлланиб, ҳар қутидан 100-120 килограмм яхши навли пилла олдилар.

Хоразм областининг пиллачилари пландан ташқари 300 тонна пилла топширамиз, деб ваъда бердилар.

АНДИЖОН

Андижон областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пилла тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Давлат хўжаликларидан 3001 тонна юқори сифатли пилла олди. Пилла тайёрлаш плани 101,5 процент адо қилинди. Пилла тайёрлашда Андижон, Балиқчи, Ленин, Бўз районларидаги колхозлар жуда яхши натижаларга эришдилар. Москва районидаги «Ленин йўли» ва «Ленинизм», Ленин районидаги «Узбекистон» ва «Правда Востока» колхозлари ҳамда бошқа илғор хўжаликлар ҳар қути уруғдан 80-100 килограммдан пилла олдилар.

Андижонликлар барча имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 600 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1972 йил 8 июнда эрталаб соат 10 да Тошкентда саккизинчи чақириқ Узбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси очилди.

Ҳукумат ложаларида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари **И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев**, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат **Г. М. Орлов** ўртоқлар республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Узбекистон ССР Олий Совети Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди. Раис столи ёнида Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар **П. Ф. Глазатов, С. Есимов, З. Исроилова, Г. Раметова** ўтирибдилар.

Депутатлар ва меҳмонлар вафот этган депутат **Ш. З. Саломова** хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

Олий Совет ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатини текшириш натижалари тўғрисида мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. Р. Каримов**анинг докладини тинглади. Олий Совет Узбекистон ССР Конституциясининг 33-моддасига мувофиқ 12-мартда 196-Бешкент сайлов округидан сайланган депутат **Е. И. Озерский**нинг ва 23 апрелда 280-Киров сайлов округидан сайланган депутат **А. К. Отахўжаев**нинг ваколатини тўғри деб топишга қарор қилди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Сессиянинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Республикада қишлоқ қурилишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг сув тўғрисидаги Кодекси лойиҳаси ҳақида.
3. «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида.
4. Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда депутатлар **Т. Набиев** (19-Жданов сайлов округи) **П. Қаюмов** (110-Бильдин сайлов округи) қатнашдилар.

Танаффусдан кейин мажлисни Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **П. Ф. Глазатов** олиб борди. Музокараларда депутатлардан **В. П. Есин** (392-Дзержинский сайлов округи), **С. Т. Тошқулов** (84-Паркент сайлов округи), **Ш. К. Хайруллаев** (163-Коғон шаҳар сайлов округи), **И. П. Дрижак** (415-Навоий сайлов округи), **С. Бадалов** (224-Жомашўй сайлов округи), **С. Ҳамроева** (283-Нурота сайлов округи), **Ғ. Н. Насриддинов** (317-Дашнобод сайлов округи) қатнашдилар.

* * *

8 июнь соат 16 да Узбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бошланди. Мажлисни Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **З. Исроилова** очди.

Мажлисда сессия кун тартибидаги биринчи масала — республикада қишлоқ қурилишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди. Докладни муҳокама қилишда депутат **М. Дадажонов** (338-Дўстлик сайлов округи), СССР қишлоқ қурилиши министрининг ўрнбосари **Г. И. Сухарев**, депутатлардан **Қ. Маҳмудов** (199-Косон сайлов округи), **М. Д. Муҳортов** (437-Беруний сайлов округи), **Х. М. Носиров** (337-Хайробод сайлов округи), Узбекистон ССР Министрлар Совети колхозлардаги қурилиш ишлари давлат-кооператив бирлашмасининг раиси **С. А. Омеров**, депутат **П. Дўсанов** (278-Нарпай сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет «Республикада қишлоқ қурилишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Узбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ИОСИП БРОЗ ТИТО МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия коммунистлар Союзининг Раиси Иосип Броз Тито рафиқаси билан, шунингдек Президентга ҳамроҳ бўлган югославиялик партия ва давлат арбоблари 8 июнда Ригадан Москвага қайтиб келишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Роднонов, СССРнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасидаги элчиси В. И. Степанов ҳам олий мартабали меҳмон билан бирга Ригада бўлган эдилар.

(ТАСС).

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 8 июнга бўлган МАЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — бир кунда; учинчи стун — мавсум бошидан бўён.

БУХОРО	2,8	134,7
НАМАНГАН	2,5	125,7
СИРДАРЁ	7,1	117,8
СУРХОНДАРЁ	2,4	109,1
ХОРАЗМ	12,8	109,0
ФАРҒОНА	8,3	105,8
АНДИЖОН	30,6	101,4
ТОШКЕНТ	8,3	100,1
Қашқадарё	11,0	91,2
ҚҚ АССР	14,9	76,9
Самарқанд	19,6	60,0
Республика бўйича:	12,1	103,9

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар.

Фарғона области (область партия комитетининг секретари **Ф. Шамсуддинов**, область ижроия комитетининг раиси **Х. Умаров**, область комсомол комитетининг секретари **Ҳ. Маматов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **А. Раҳимов**).

Тошкент области (область партия комитетининг секретари **М. Мусахонов**, область ижроия комитетининг раиси **С. Асомов**, область комсомол комитетининг секретари **О. Исҳоқов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **О. Маттиев**).

Хоразм области (область партия комитетининг секретари **М. Худойберганов**, область ижроия комитетининг раиси **Р. Эшчонов**, область комсомол комитетининг секретари **Ш. Жабборов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Г. Хожиева**).

Андижон области (область партия комитетининг секретари **Б. Раҳимов**, область ижроия комитетининг раиси **П. Қаюмов**, область комсомол комитетининг секретари **Ш. Қуббиев**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Болтабоев**).

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ИЮНЬ — МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВР

Республикамиз колхоз ва совхозларида агротехниканинг прогрессив усуллари кенг жорий этилганлиги — бу йилги экиш-тикиш мавсумининг ўзига хос хусуситларидан биридир. Кенг қаторлаб чигит экилган майдонлар анча кенгайди, катта-катта майдонларга гербицидлар қўлланилиб, туксиз уруғ уяларга аниқ миқдорда ташлаб экилди. «Тошкент — 1, 2, 3» вилтга чидамли навлар уруғи қарийб 900 минг гектар ерга экилди. Бу пахта билан банд бўлган майдонларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади.

Республикамиз пахтакорлари учун май ойи одатдагидан ташқари мураккаб келди, об-ҳаво шароити кўнгилдагидек бўлмади. Тез-тез бўлиб турган сел ва ёмғирлар, баъзи жойларда сел билан бирга дўл ёғиши оқибатида ва кучли шамоллар бўлиб турганлиги натижасида анча майдонлардаги ғўзанинг ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг катта қисмига зарар етди.

Бироқ пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли табиий офат етказган зарарнинг ўрни копланди. Асосий майдонлардаги ғўза яганадан чиқарилди, биринчи культивация тугалланди, айрим далаларда эса ғўзанинг иккинчи парвариши тамомланди. Сирдарё, Бухоро ва Қашқадарё областларининг хўжаликларида ғўзани биринчи озиқлантириш ниҳоясига етказилди.

Лекин ана шу муҳим тадбирлар ҳамма жойда ҳам юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилган эмас. Бир қатор район ва хўжаликларда ғўзани яганадаш сифатсиз ўтказилди, ғўзанинг Тошкент навлари экилган майдонларда кўчат қалин қолдирилган.

Катта-катта майдонларда ғўза шонага кирган бўлишига қарамасдан Фарғона, Андижон ва Хоразм областлари хўжаликларида биринчи озиқлантириш гоятда кечиктирилмоқда. Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд областларининг бир қатор хўжаликларида, бошқа областларнинг айрим районларида ғўза қатор ораларини ишлаш сифати паст.

Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё областларида ва бошқа областлардаги бир қатор районларда ривожланишдан кечикаётган ғўзалар бор. Район ва хўжаликларда ҳар хил ўсаётган ғўзаларни кўрамиз. Чигит қайта экилган айрим пайкалларда ғўза энди чинбарг чиқарган бўлса, бошқа далаларда шоналаган ғўзалар ҳам бор. Бу ҳол, ҳар бир даланинг аҳволини ҳисобга олиб, ғўзани табақалаштириб парвариш этишни талаб қилади.

Июнь — ғўзанинг ўсиш ва ривожланишида масъулиятли даврлардан бири ҳисобланади. Бу ой мобайнида ғўзалар икки босқични ўтиши — шоналаши ва гуллай бошлаши керак. Бу даврда ғўзалар яхши парвариш қилинса ҳар тупида 8-10 ва ундан ортиқ ҳосил шохлари, кўпгина шона ва дастлабки ҳосил ниҳоналари пайдо бўлади. Биринчи сорт пахта эса асосан ана шулар ҳисобига етиштирилади.

Июнда нималар қилиш керак?

Даставвал ҳамма жойда ғўзаларни кўздан кечириб чиқиш зарур. Шундан сўнг ортиқча ғўза туплари юлиб ташлаш ва кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш зарур. Бу юмушларни бажариш пайтида «Тошкент» навлари экилган майдонлардаги ғўзаларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Чигит қайта экилган участкаларда ғўзаларни зудлик билан яганалаш керак. Бунда кеч муддатларда қайта экилган участкаларда чигит ўз вақтида экилган далалардагига қараганда 8-10 процент миқдорида кўпроқ ғўза туплари қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши кўпинча далаларнинг тоза бўлишига боғлиқдир. Шунга кўра далаларни қисқа муддат ичида бегона ўтлардан тозалаш зарур. Далаларни бегона ўтлардан тозаламай туриб ғўзани суғориш мумкин эмас.

Ғўза июнь ойида нам ва озуқага айниқса талабчан бўлади.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИ

РЕСПУБЛИКАДА ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Совет халқи партиямизнинг ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида коммунистик қурилиш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йил сайин ўсмоқда, халқ маданияти ва моддий фаровонлиги ошмоқда. Советлар диёрининг ҳамма жойида амалга оширилаётган туб ўзгартишлар совет кишилари турмушининг бутун қудратини юқори поғонага кўтармоқда.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ва ёрдами туфайли колхоз-совхоз — ишлаб чиқаришнинг экономикаси муттасил мустаҳкамланмоқда. Қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлик даражаси ошмоқда. Республика колхоз ва совхозлари уй-жой, маданий-маиший муассасалар ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш ҳажмларини йилдан-йилга кўпайтирмоқда.

Саккизинчи беш йилликнинг ўзида республика колхоз ва совхозларида умумий саҳни 10,3 миллион квадрат метр бўлган уй-жой бинолари, 311 минг ўринли мактаблар, салкам 40 минг ўринли болалар боғча-яслилари, 227 минг ўринли клублар ва маданият уйлари, 6400 ўринли касалхона ва поликлиникалар қурилди. Қишлоқ меҳнатчилари турмушини электрлаштириш асосан тугалланди. Поселкаларни газ билан таъминлаш соҳасида катта ишлар қилинди, кўпгина чорвачилик бинолари, ремонт корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари барпо этилди.

Тошкент областидаги «Қизил Ўзбекистон», Сирдарё областидаги «Ленинград», Самарқанд областидаги «Октябрь», Фарғона областидаги К. Маркс номли, Наманган областидаги Ленин номли, Қашқадарё областидаги «Ленинизм», Қорақалпоғистон АССРдаги Ленин номли колхозларнинг, Бухоро областидаги «Октябрь 50 йиллиги», Сурхондарё областидаги «Комсомолобод», Андижон областидаги «Оқ олтин», Хоразм областидаги Ал-Хорезмий номли совхозларнинг ва бошқа хўжаликларнинг поселкалари бунга мисол бўла олади.

Республикамизда йирик қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари тузилиб, улар замонавий техника билан таъминланганлиги, яхши ишлаб чиқариш базаси билан мустаҳкамланганлиги туфайли қишлоқ қурилишини кенг миқёсда авж олдириб юбориш мумкин бўлди.

Ана шуларнинг ҳаммаси катта социал аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятларга, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг ва қишлоқ зиёлиларининг турмуш шароитларини яхшилашга бевосита таъсир ўтказмоқда, одамларнинг меҳнат маданиятини ва ғайрат-шижоатини оширмоқда, турмушни янгича ташкил этмоқда, қишлоқнинг янги социалистик қиёфасини вужудга келтирмоқда.

КПСС XXIV съезди совет халқи фаровонлигини янада ошириш, экономика ва маданиятни янада ривожлантиришнинг улуғвор программасини тасдиқлади. Бу ишда капитал қурилиш катта роль ўйнайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев XXIV съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган хисобот докладида капитал қурилиш суръатларини тезлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берди. Саккизинчи беш йилликда (1966 — 1970 йилларда) Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 5 миллиард сўм сарфланган бўлса, ҳозирги, тўққизинчи беш йилликда бу ишга 8 миллиард сўм ажратилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати кейинги йилларда қишлоқ қурилишини янада такомиллаштиришга, унинг техникавий даражасини оширишга, қурилиш муддатларини қисқартиришга, таннархини камайтиришга ва сифатини яхшилашга қаратилган бир қанча катта-катта тадбирларни амалга оширдилар.

Республиканинг партия, совет, хўжалик органлари қишлоқ қурилиши билан кўпроқ шуғуллана бошладилар, ишнинг бу муҳим соҳасига раҳбарликни яхшиладилар.

Лекин шуни эътироф қилиш керакки, қишлоқларни қайта қуриш суръатлари, қишлоқ қурилишининг техникавий савияси республикада ҳали ҳам КПСС XXIV съезди қарорларига тўла-тўкис жавоб бера олмайди.

Республикада аҳолининг жуда кўп посёлкалар ва хуторларга тарқалиб яшаши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш талабларига мос келмайди, қурилишда куч ва воситаларни тарқатиб, парчалаб юборишга олиб боради. Қурилиш ишлари баъзан кўпгина аҳоли пунктларида, шу жумладан бузиб ташланиши лозим бўлган истиқболсиз пунктларда ва хуторларда алоҳида-алоҳида объектлар тарзида олиб борилмоқда. Бундай практика колхоз посёлкаларни янги асосда қайта қуришга халақит беради, лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг ишини чигаллаштиради. Бундай аҳоли пунктлари коммунистик меҳнат посёлкалари бўла олмайди, албатта.

Республикадаги 14.796 қишлоқ аҳоли пунктидан 982 тасида ўн мингдан 50 минггача аҳоли яшайди. Ана шундай майда қишлоқларнинг ҳар бирида яхши магазин, мактаб, касалхонани ҳамда аҳолига нормал маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун керакли бошқа муассасалар ва корхоналарни қуриш қийин, бундай қилиш мақбул ҳам эмас.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети «Республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари ҳақида» махсус қарор қабул қилдилар. Қарорда хуторларни планли равишда тугата бориш, уларда яшаётган колхозчилар ва эвиёлиларни яқин йиллар мобайнида йирик, обод ва кўркам, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган посёлкаларга кўчириш зарурлиги таъкидланган. Бу иш барча партия, совет, планлаштириш ва молия органларининг, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, лойиҳалаш ва таъминот ташкилотларининг, колхоз правлениеларининг муқаддас вазифаси бўлмоғи керак.

Мазкур қарор КПСС XXIV съезди талабларига ва колхозчиларнинг туб манфаатларига тўла жавоб беради.

Қишлоқ меҳнаткашларининг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини тубдан яхшиламай туриб, бинобарин, қишлоқда капитал қурилишни кучайтирмай туриб, қишлоқ хўжалигини бундан буён юксак суръатлар билан ривожлантириб бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тўққизинчи беш йилликда республика қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришга бундан аввалги беш йилдагига нисбатан бир ярим баравар знёд маблағ ажратилади. Ана шу йиллар давомида 12 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жойлар, кўплаб мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, клублар, магазинлар, маиший хизмат комбинатлари, ҳаммомлар қурилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 8 минг километрдан кўпроқ водопровод ва 5 минг километр газ тармоқлари вужудга келтирилади. Колхозчилар хонадонларидан қарийб бир ярим миллионтаси газлаштирилади. Чорвачилик бинолари ва комплекслари, бошқа кўплаб ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Кенг кўламдаги бундай ишларни рўёбга чиқариш қишлоқ қурилишини малакали ташкил этишга, капитал маблағларни ишнинг кўзини билиб харажат қилишга, масалага илмий ёндошишга, лойиҳалаш ишларини яхшилаш, давлат планларининг бажарилиши учун масъулиятни оширишга боғлиқ.

Кейинги пайтларда қишлоқ қурилишини планлаштириш бирмунча яхшиланди. Капитал маблағлар асосан иш бораётган объектларга сарфланадиган, янги қурилишлар камроқ бошланадиган бўлди.

Шунга қарамасдан, бугун очиқ айтиш керакки, қишлоқ қурилишида планлаштиришнинг аҳамияти анча пасайтириб юборилган. Планлаштириш даражаси капитал қурилишнинг асосий вазифаларига тўла-тўкис мос келмаётир.

Комплекс планлаштиришнинг амалга оширилмаётгандиги энг жиддий камчиликлардан биридир. Маълумки, комплекс планлаштириш ишлаб чиқаришни планлаштириш билан бирга унинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш фондлари эҳтиёжини бир-бирига боғлашни, ишчи, кучи таъминотини, аҳолига уй-жой ва маданий-маиший шароит яратишни ҳам кўзда тутади.

Кўпинча планларни тузишда капитал қурилиш объектларини тезроқ тугаллаш учун керакли маблағлар ажратилмайди, реал имкониятлар ҳисобга олинмайди.

Шуниси ачинарлики, кўп ҳолларда қувватларни ишга туширишнинг планларини тузишда молиявий имкониятлар ва моддий-техника ресурслари назарда тутилмайди, пудратчи ташкилотларнинг планлари заказчиларнинг планларига мос келмайди. Бунинг устига, техника тараққиётининг даражаси, Ватанимиз ва чет эл фани ҳамда техникасининг ютуқлари етарли ҳисобга олинмаётир. Топшириқлар ойлар ва кварталлар бўйича тўғри тақсимланмаётир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Капитал қурилишни планлаштиришни такомиллаштириш ва қурилиш ишлаб чиқаришида иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига биноан бундан буён беш йиллик план қурилишда планлаштиришнинг асосий формаси деб белгиланди. Қурилишларнинг лойиҳалар ва сметалар асосида ишлаб чиқилган, қувватларни, асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағ сарфлаш ва қурилиш-монтаж ишлари топшириқлари йилма-йил тақсимлаб чиқилган титул рўйхатлари бутун қурилиш даври учун ўзгармас ҳужжат бўлиб қолади, деб таъкидланди. Бизнинг планлаштириш органларимиз ва заказчилар ана шу тартибга қатъий амал қилишлари керак. Давлат банкининг идоралари ана шу талабларга мос келмайдиган қурилишларнинг титул рўйхатларини пул билан таъминламасликлари керак.

Янги ва перспектив планларни ишлаб чиқишда колхоз ҳамда совхозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш, чорвачилик бинолари, комплекслари, устахоналар, айвонлар, ёнилғи сақланадиган жойлар, омборлар, хуллас, хўжалик учун қулай имкониятлар яратадиган объектлар қурилишини биринчи навбатда назарда тутиш зарур. Уй-жойлар, дала шийпонлари, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари, савдо, маиший хизмат ва алоқа корхоналари, йўл қурилиши масалалари албатта эътиборга олиниши лозим. Бунда сув таъминоти, газ, электр, канализация каби шароитлар ҳам ҳисобга олинмоғи керак.

Планларда водопровод тармоқларини тезроқ вужудга келтириш кўзда тутилиши керак. Бизнинг шароитимизда водопровод жуда катта аҳамиятга эга.

Капитал қурилиш планларининг муваффақиятли бажарилиши лойиҳаларнинг техникавий даражасига, лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида тайёрланишига, умуман лойиҳалаш ишларининг ўюштирилишига бевосита боғлиқдир.

КПСС XXIV съезди Директиваларида қишлоқ хўжалиги объектларини лойиҳалашни тубдан яхшилаш, рационал лойиҳа ечимлари ҳисобига қишлоқ қурилиши таннархини 3-5 процент арзонлаштириш, лойиҳалаш ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг лойиҳалар сифати ва тўғрилиги учун масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланган.

Лойиҳасиз ва сметасиз биронта ҳам янги объект бошланиши мумкин эмас. Бу тартиб қатъий қилиб қўйилмоғи лозим.

Районларнинг қишлоқ хўжалигини планлаштириш лойиҳалари аҳолини янги тартибда жойлаштиришнинг самарали системасини вужудга келтириш учун илмий асос бўлиб хизмат қилиши керак. Афсуски, республикадаги барча районлар ҳам ана шундай лойиҳаларга эга эмас. Келгусида барпо этилиши кўзда тутилаётган посёлкаларнинг ҳаммаси учун ҳам бош планлар тайёрланмаган. 116 райондан фақат 81 тасида районни планлаштириш схемаси мавжуд. Яқин келажакда қайта қурилиши лозим бўлган посёлкаларнинг 70 процентигина бош планлар билан таъминланган. Посёлкаларнинг планларини тузиш ишлари Тошкент, Фарғона, Андижон областларида ва Қорақалпоғистон АССРда айниқса ёмон аҳволда.

Районларни планлаштириш лойиҳаларини ва посёлкаларнинг бош планларини тузиш ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг тегишли қарорларида кўзда тутилган муддатларда тугаллаш зарур. Бизда уй-жойлар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат муассасалари ва ишлаб чиқариш биноларининг намунали лойиҳалари кам эканлигини ҳисобга олиб, тузилаётган лойиҳалар ва планларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим.

Республика Госстройи, лойиҳалаш ташкилотлари қишлоқлар учун табиий-иқлим шароитлари, миллий хусусиятлар кўзда тутилган уй-жой биноларининг, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектларининг намунали лойиҳаларини тезроқ тузиб беришлари зарур.

Бинолар ва иншоотларнинг янги типдаги лойиҳаларини тузиш ҳамда танлаб олишда, қишлоқ қурилишида техника тараққиётини тезлаштиришда бутун бир посёлкани, шунингдек, алоҳида уй-жойлар, маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектларини намуна тариқасида қуриш тажрибаси катта аҳамиятга эга.

Ўтган йили республика ҳукумати колхозлардаги уй-жойлар қийматини арзонлаштириш ҳақида махсус қарор қабул қилган эди. Ана шу қарорга асосан бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Сифати яхшиланган, арзонга тушадиган лойиҳалар ва планлар ишлаб чиқилди. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Ҳозирги пайтда лойиҳалаш институтлари ва министрликларда колхозлар ва совхозлар объектлари бўйича фойдаланилмай қолган лойиҳа-смета ҳужжатлари бор. Буларнинг кўпчилиги эскириб қолди. Уларда ишлатилиши кўзда тутилган баъзи конструкциялар эндидикда ишлаб чиқарилмаётир. Мавжуд лойиҳаларни инвентаризациядан ўтказиш, бундан буён фақат беш йиллик планда кўзда тутилган объектларнинг лойиҳасини тузиш зарур. Ортиқча лойиҳанинг эса ҳеч кимга кераги йўқ.

Лойиҳалаш ишларини янада яхшилаш мақсадида республика Госстройи ва Госплани, министрликлари ва идоралари лойиҳалаш институтларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш чораларини кўришлари лозим. Бунинг учун уларни керакли асбоб-ускуналар, инвентарлар, ҳисоблаш машиналари билан таъминлаш, улар учун кадрлар тайёрлаш масалаларини қараб чиқиш ва ҳал этиш зарур. Лойиҳалаш билан шуғулланувчи ташкилотларга барча шароитлар яратиб берилиши керак.

Қишлоқларни қайта қуришда шаҳар қурилишидаги интизомни қўлланиш талаб этилади. Чунки лойиҳасиз уй-жойларни бош планларга хилоф равишда ўзбошимчалик билан қуриш ишга жиддий зарар етказади. Шунинг учун ҳам биз бу масалага колхоз ва совхоз раҳбарлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари диққатини қаратмоқчимиз. Плансиз ва лойиҳасиз қурилган ҳар бир бино келгусида барпо этиладиган кўркам посёлкаларимиз ўснига доғ бўлиб тушишини унутмаслик керак.

Район ва область архитекторларининг роли ҳамда масъулиятини бутун чоралар билан кучайтириш зарур. Улар ўзларини обод, кўркам ва чиройли посёлкаларнинг бунёдкорлари, қурилишда давлат интизомини мустаҳкамловчи кишилар деб ҳис қилишлари керак. Бу ишни бажаришда ҳам республика Госстройининг фаолиятини ошириш талаб этилади.

Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлигида, область ва район қишлоқ хўжалиги бошқармаларида колхоз қурилиши бўлимлари ташкил қилинди. Бу бўлимлар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда, пудратчилар билан алоқа ўрнатишда, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва қурилишдаги бошқа масалаларда колхозларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Айрим районларда, масалан, Бухоро областида, бундай бўлимлар колхозларда қурилиш ишларини олиб борувчи ягона заказчи вазифасини муваффақиятли бажармоқда. Бу нарса яхши натижа бермоқда. Заказчига боғлиқ бўлган барча масалалар тез ва малакали ҳал қилинмоқда, қурилиш ишларини муваффақиятли олиб боришга ёрдамлашмоқда.

Сўнгги пайтларда қишлоқ қурилиши заказчилари ўз фаолиятларини бирмунча яхшиладилар. Бироқ, уларнинг баъзилари ҳали ҳам зиммаларидаги вазифаларни масъулият билан бажармаётирлар.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда кўпгина камчиликларга йўл қўйилмоқда. Лойиҳалаш ишлари учун ажратиладиган лимит чекламаларигача қарамасдан, ана шу маблағлардан ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Лойиҳалаш учун топшириқлар кечикиб берилмоқда, ер участкалари ажратиш чўзиб юборилмоқда, лойиҳалаш институтлари билан шартномалар ўз вақтида тузилмаётир, улар билан ҳисобкитоб белгиланган муддатда амалга оширилмаётир. Заказчилар асбоб-ускуналарга талабнома тузишда катта камчилик ва нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

Бу ўринда колхоз ва совхозларнинг ички хўжалик қурилиши эҳтиёжлари учун ер ажратишни тартибга солишни айрим масалаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Агар гап давлат корхонаси ва муассасаси қурилиши учун ер ажратиш устида борадиган бўлса, ҳар бир қарич майдон учун маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг, ҳатто республика ҳукуматининг қарори талаб қилинади. Агар шу мақсадлар учун колхоз ва совхозларнинг ўзлари ердан фойдаланадиган бўлсалар истаган майдонни хоҳлаган миқдорда ажратиб олаверадилар. Буни ҳатто расмийлаштириб ҳам қўймайдилар. Ерга нисбатан бундай муносабатда бўлиш умуман деҳқончиликка ва хўжаликнинг ўзига ҳам катта зиён етказади.

Қишлоқдаги етакчи қурилиш ташкилотлари—Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узглавводстрой», «Узколхозстрой», Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлигининг ташкилотлари пудрат ишлари планини муттасил бажарадиган, анча яхши ишлайдиган бўлиб қолдилар.

Бироқ қишлоқда капитал қурилиш планларини сўзсиз бажариш барча хўжалик раҳбарлари ва маҳаллий Советларнинг биринчи даражали вазифасига айлантирилган эмас.

Сирдарё ва Қашқадарё областларида қишлоқ қурилишига ажратилган капитал маблағдан фойдаланиш 4 ойлик плани 71 процент, Тошкент областида 74 процент, Хоразм областида 75 процент, Наманган областида 80 процент бажарилди.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, хўжалик ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари қишлоқлардаги объектларда ишнинг аҳволини, планлар қандай бажарилаётганлигини яқин кунлар ичида қараб чиқишлари, камчиликларни тугатишнинг аниқ тадбирларини белгилашлари зарур.

Қишлоқда қурилиш ишларини олиб бориш учун республикада йирик пудратчи ташкилотлар вужудга келтирилди. Уларнинг кўпчилиги ўз вазифасини муваффақиятли бажармоқда.

Шу билан бирга, бу министрликлар ва идораларнинг ишида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор.

Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 17 та трестдан 3 таси — Тошкент область қишлоқ қурилиши трести, Сирдарёдаги 22 ва 27-трестларда ўтган йили пудрат ишлари плани бажарилмай қолди. Меҳнат унумдорлигини ошириш планини саккизта трест бажармади.

Мавжуд механизмлардан самарали фойдаланилмаётир, уларнинг кўпчилиги фақат бир сменада ишлатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси министрликда қурилиш таннархини пасайтириш топшириғининг бажарилмай қолишига олиб келди. Шундай қилиб министрликка қарашли қурилиш ташкилотларида бажарилган ишлар таннархи плондагига нисбатан 4 миллион 224 минг сўм қимматлашиб кетди.

Министрлик 1972 йилнинг дастлабки 4 ойи планини 100,2 процент бажарган бўлса ҳам, асосий заказчилар — Совхозлар министрлиги ва Қишлоқ хўжалиги министрлиги объектлари бўйича плани бажара олмади.

Мазкур министрликка қарашли ташкилотлар кўпгина қурилиш объектларида, жумладан, Гулистондаги паррандачилик фабрикаси, Сергелидаги чорвачилик комплекси, Сурхондарёдаги 5-совхоз, шунингдек фан ва ўқув юртлари объектларида пудрат ишлари планини кўп йил мобайнида бажармаётирлар.

«Узколхозстрой» бирлашмасининг қурилиш ташкилотлари ўтган йили ва шу йилнинг 4 ойида пудрат ишлари планини деярли барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажардилар.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон область трестида, Фарғона ва Наманган трестларида қурилиш ишлари намунали олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам бу коллективлар I квартал якунлари бўйича СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлдилар.

Шу билан бирга, «Узколхозстрой» бирлашмаси ишида ҳам жиддий камчиликлар рўй бермоқда. Бирлашмага қарашли кўпгина ташкилотларнинг моддий-техника базаси кучсизлигича қолмоқда, улардан баъзилари колхозлар учун энг зарур бўлган қурилиш ишлари топшириқларини бажармаётирлар. Айрим муҳим объектларни ишга туширишни муддатларни ниҳоятда чўзиб юбормоқдалар. Ана шу сабабларга кўра, колхозлар қурилишини хўжалик усулида олиб боришга мажбур бўлмоқдалар.

«Узколхозстрой» бирлашмасининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга мўлжалланган капитал маблағлар сочиб юборилмоқда. Районлараро ва область аҳамиятидаги йирик ишлаб чиқариш базалари суст барпо этилмоқда. «Узколхозстрой»нинг ёрдамчи ташкилотларида маҳсулот таннархи ҳали ҳам қиммат, меҳнат унумдорлиги паст, механизациялаш даражаси талабга жавоб бермайди. Қурилиш корхоналарининг қувватларидан тўла-тўкис фойдаланилмаётир.

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли ташкилотлар совхозлар қурилишида, Мирзачўл ва Қарши даштларини, Амударё этакларидаги ерларни ўзлаштиришда катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Ана шу бошқарма ташкилотлари республикада 31 та пахтачилик ва 9 та шоликорлик совхозини вужудга келтирмоқда. Ҳозиргача 4 та совхозда қурилиш ишлари асосан тамомланди ва бу хўжаликлар совхозлар министрлиги ихтиёрига топширилди. Бинокорлар янги совхозларда 2,2 миллион квадрат метр уй-жой, 28 минг ўринлик мактаблар, 10 минг ўринлик мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, кўпгина касалхоналар, поликлиникалар, клублар, кинотеатрлар, ҳунар-техника билим юртлари биноларини фойдаланишга топширдилар. Бир канча ишлаб чиқариш объектлари ҳам қад кўтарди.

Бу йил бу бошқармада оғир аҳвол вужудга келди. Капитал маблағларни ўзлаштириш тўрт ойлик плани 83 процент бажарилди, холос. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш йиллик планга нисбатан 17 процент, болалар муассасаларини топшириш 14 процент, водопровод қуриш 7 процент ва канализация қурилиши атиги 6 процент бажарилди.

Ҳозир қурилиш ишлари суръатини кескин, тезлаштириш пайти келди. Ҳар бир кундан, ҳар бир соатдан унумли фойдаланиш, икки сменалик ишни йўлга қўйиш, машиналар, механизмларни ва транспортни самарали ишлатиш талаб этилади.

Қурилиш ташкилотларида иқтисодий ишларни бутун чоралар билан кучайтириш, нобудгарчилик ва унумсиз харажатларни камайтириш, иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатини авж олдириш зарур. Хуллас, барча резерварни излаб топиш, улардан давлат планларини бажариш йўлида самарали фойдаланиш лозим.

Қурилишда иқтисодий кўрсаткичларни кун сайин яхшилаш, сарфланадиган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш керак. Бунинг учун иқтисодий ва молиявий ишларни ўюштиришда тегишли тартиб ўрнатиш, барча қурилиш ташкилотларида, ҳар бир объектда ҳисоб-китобни намунали йўлга қўйиш зарур.

Қишлоқларда ўй-жой қурилиши кооперацияларини вужудга келтириш, шу йўл билан аҳолининг маблағларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Меҳнаткашлар ўртасида уй-жой қурилиши кооперативларининг аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш, бундай кооперативлар учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаб бериш тадбирларини кўриш керак.

Қишлоқ қурилишига ажратилаётган капитал маблағ ҳажми тобора ошаётганлиги бинокорликнинг техникавий даражасини кучайтириш ва индустрлаштиришни талаб этади.

Бизда бу соҳада ҳозиргача бир мунча тажриба тўпланди. Енгил конструкциялар ва материалларидан фойдаланиш тобора кўпроқ ўзлаштирилмоқда.

Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги камчиликларни тезроқ тугатиш, машиналар, механизмлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш коэффициентини ошириш, қурилиш майдонларида меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, НОТ талабларини қатъий қўлланиш ғоят муҳим вазифадир. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини оширишга, иш таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилашга олиб келади. Қурилиш ташкилотларини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига муваффақиятли ўтказиш зарур. Сермеҳнат иш жараёнларини механизациялаш даражаси тобора ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, бу соҳада ҳали резервларимиз кўп. Қурилиш ишларини индустрлаш ҳажмини ошириш имкониятлари етарли фойдаланилмаётир. Айниқса колхозлараро қурилиш ташкилотларида индустрлаш ва механизациялаш даражаси ниҳоятда пастлигича қолмоқда.

1971—1975 йилларда ер қазиш ишларида механизациялаш даражаси 99,5 процентни, бетон тайёрлашда 90 процентни, юк ортиш-тушириш ишларида 98 процентни ташкил этиши керак. Иморатларни тўла йиғма конструкциялардан қуриш даражаси 40 процент бўлиши лозим. Ана шунда биз КПСС XXIV съезди директиваларида кўрсатилганидек қурилишда меҳнат унумдорлигини 36-40 процент оширишимиз, шу ҳисобдан қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини кўпайтириш топшириғини бажаришимиз мумкин.

Беш йиллик планга мувофиқ Қишлоқ қурилиши министрлиги бўйича йиғма темир-бетон материаллар ишлаб чиқариш 2,8 баравар, дурадгорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 2,9 баравар ошириляпти, руда бўлмаган материаллар, масалан, қум, шағал каби материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар қуввати йилига 600 минг кубометрга, бошқа хил енгил материаллар ишлаб чиқариш эса 100 минг кубометрга етказилиши керак.

Шу билан бирга, министрлик раҳбарлари янги, енгил конструкциядаги материалларни тайёрлаш асбестдан, цемендан, алюминийдан қилинган конструкцияларни иссиқлик берувчи енгил материалларни кўпроқ ишлатиш ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари лозим. Шундагина министрлик бўйича йиллик қурилиш ишлари ҳажмини 1975 йилда бу йилги 194 миллион сўмликдан 250-300 миллион сўмликка етказиш мумкин.

Тўққизинчи беш йилликда колхозларарО қурилиш ташкилотларининг қувватларини ва ер-жой қурилиш ҳажмини кўпайтириш керак. «Узколхозстрой» бирлашмаси беш йиллик давомида район ва районларарО ишлаб чиқариш базаларини вужудга келтиришни асосан тугаллаши, қурилиш ташкилотларини жойларнинг ўзида турли-туман конструкциялар, маҳаллий хом ашё ва материаллар билан таъминлашни йўлга қўйиши лозим. Бу — транспорт ҳаражатларини камайтириш, қурилиш таннархини арзонлаштириш имконини беради.

Сифат учун кураш халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлганидек, бинокорликда ҳам биринчи даражали вазифа қилиб қўйилаётир.

Бироқ, шунга қарамасдан, қурилиш ишлари сифатсиз бажарилаётганлигини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Объектлар аксарият ҳолларда тўла қўлдан чиқарилмасдан чала-чулпа топширилади. Айниқса чорвачилик бинолларида механизмларни ўрнатишга эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Заказчиларнинг бепарволиги ва архитектура-қурилиш органларининг назоратсизлигидан фойдаланган баъзи қурилиш ташкилотлари биноларнинг мустаҳкам бўлишини, сейсмик ҳолатларга чидамлилигини таъминлаш учун курашмаётирлар.

Архитектура-қурилиш органлари бу масалаларга жиддий эътибор билан қарашлари, ишнинг сифати учун қурилиш ташкилотларига нисбатан талабчанликни кучайтириплари зарур.

Қишлоқларда қурилаётган уй-жой ва жамоат бинолари, қурилиш материаллари ва конструкциялари сифатини мунтазам равишда жамоат кўригидан ўтказишни тажриба қилиб кўриш, бу соҳадаги ибратли ишларни матбуотда кенг ёритиш лозим.

Қишлоқда қурилиш комбинатларини вужудга келтириш ғоят прогрессив аҳамиятга эга эканлигини тажриба кўрсатмоқда. Бу комбинатлар керакли конструкцияларни бевосита ўзлари тайёрлайдилар, улардан уй-жойлар ва бошқа биноларни қурадилар.

Биз Қишлоқ қурилиши министрлиги, «Узколхозстрой» бирлашмаси системасида, шунингдек бошқа пудратчи ташкилотларда ана шундай комбинатлар ташкил этишни тезлаштиришимиз зарур. Бу эса заказчиларга тайёр объектларни қисқа муддатларда топшириш имконини беради.

Қишлоқ қурилишини ривожлантиришда республика Қурилиш материаллари саноати министрлиги олдида ҳам муҳим вазифалар турибди. Бу министрлик қишлоқ бинокорларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондириши, маҳаллий материалларни, жумладан, оҳак, гипс тайёрлашни кўпайтириш, енгил конструкциядаги бинолар қурилиши учун текис шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши керак.

Кейинги пайтларда қишлоқлардаги давлат қурилиш ташкилотларининг таъминот даражаси анча ошди, улар керакли нарсаларнинг ҳаммаси билан марказлаштирилган усулда етарли таъминланадиган бўлдилар.

Бироқ бу масалада ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Кўп ҳолларда ресурслар ва имкониятлардан самарали фойдаланилмаётир, иқтисод ва тежамкорлик ишларига эътибор берилмаётир. Қурилишларни, аввало, колхозлардаги объектларни зарур ускуналар ва кабеллар билан таъминлаш қоникарсиз йўлга қўйилган.

Республика совхозлар министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Маориф, Маданият ва Соғлиқни сақлаш министрликлари, Кинематография давлат комитети, «Узбекбирлашув», «Узсельхозтехника» бирлашмаси колхозларда фойдаланишга топширилиши заруг бўлган барча объектларни, жумладан, мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар, туғруқхоналар, дорихоналар, клублар, маданият уйлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилишини керакли ускуналар билан ўз вақтида тўла-тўкис таъминлашлари лозим. Энергетика ва электрлаштириш министрлиги эса электр станциялар қурилишини ҳам зарур нарсалар билан тўла таъминлаш чораларини кўриши керак.

Кўпгина қишлоқ қурилиш ташкилотлари иқтисод ва тежамкорлик, моддий ресурслардан тўғри фойдаланиш учун ячил кураш олиб бормоқдалар, цемент, металл, ёғоч, ойна ва бошқа материаллар талон-торож қилинмоқда. Баъзи колхоз ва совхозларда металлдан ва темир бетондан ясалган тўсиқларни бўлар-бўлмасга ўрнатишга берилиб кетилмоқда, металл ва цементни омборлар, ҳовлилардаги ёрдамчи иморатлар қурилишига сарфлаш кўзга ташланмоқда. Аслида эса бундай нарсаларни қуришда анча арзон тушадиган маҳаллий материалларни ишлатиш мумкин.

Госплан, Главснаб, «Узсельхозтехника» бирлашмаси қишлоқдаги объектларни материал-техника билан таъминлашни янада яхшилаш, уларни асбоб-ускуналар билан ўз вақтида комплектлаш тадбирларини Қишлоқ қурилиши министрлиги, Совхозлар министрлиги, «Узколхозстрой» билан биргаликда амалга оширишлари лозим.

Биз қишлоқда кўп бинолар қурмоқдамиз, ажойиб посёлкалар вужудга келтирмоқдамиз. Бироқ айрим ҳолларда клублар, маданият уйлари, маиший хизмат комбинатлари, болалар боғчаларидан яхши фойдаланилмаётир, баъзан эса бундай бинолар бошқа мақсадлар учун бериб қўйилмоқда.

Жамоат биноларини, ишлаб чиқариш объектларини, уй-жойларни, савдо корхоналарини, водопровод, электр ва газ тармоқларини, йўлларни намунали сақлаш, улардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш яхши уюштирилмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети колхозларда коммунал хизмат комбинатлари ташкил этишни тавсия қилдилар. Бундай комбинатлар зиммасига водопровод тармоқларини кенгайтириш ва ремонт қилиш, ҳаммомлар, сартарошхоналар, корхоналар, меҳмонхоналар хизматини йўлга қўйиш вазифаси юклатилган. Афсуски, ҳозиргача фақат 223 та колхозда ана шундай комбинатлар қурилган, холос. Республика маиший хизмат кўрсатиш министрлиги йўли билан 87 та районда қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий уй-жойларини, ҳовлиларидаги иморатларини, водопровод ва электр тармоқларини ремонт қилиш билан шуғулланувчи ремонт-қурилиш идоралари вужудга келтирилди.

Бироқ, бундай хизмат кўрсатувчи корхоналар қуввати ҳали етарли эмас, улар техника, транспорт, ремонт материаллари билан яхши таъминланмаган.

Посёлкаларнинг санитария ҳолатини яхшила

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИ

РЕСПУБЛИКАДА ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

Кейинги йилларда қурилиш ташкилотларининг сафи малакали кадрлар билан бойиди. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходимлар сони кўпайди, ишчиларнинг малакаси анча ошди.

Шу билан бирга қурилиш ташкилотларининг бевосита ўзида, шунингдек, ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчилар тайёрлашни бутун чоралар билан авж олдириш керак.

Қишлоқ қурилиш ташкилотларининг кадрларга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида ёшларни олий ўқув юртларида, техникумларда, ҳунар-техника билим юртларида ўқитиш ишларини янада яхшилаш зарур.

Бинокорларга маданий-маиший, савдо, умумий овқатланиш ва медицина хизмати кўрсатишни юксак даражага кўтариш талаб этилади. Шунга эришиш керакки, бинокорлар иш жойида ҳам, яшаб турган жойларида ҳам қулай шароитларга эга бўлсинлар.

Бу йил мамлакатимиз меҳнаткашлари СССР ташкил этилган куннинг ярим асрлик юбилейини нишонлайдилар. Совет халқи шонли байрамни КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун астойдил курашаётган ҳолда кутиб олмоқда. Қишлоқ бинокорлари ҳам СССРнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора кучайтириб, беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунлаш, зиммага олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш учун тинмай курашмоқдалар.

Қишлоқ қурилиш соҳасидаги вазифалар эса ғоят улкан ва салмоқлидир. Уй-жойлар, ишлаб чиқариш қувватларини ва бошқа объектларни фойдаланишга топшириш бўйича қарийб 70 процент иш бажарилиши керак. Бунинг учун қурувчилар, монтажчилар, лойиҳачилар, заказчилар, таъминотчилар янада эўр ғайрат билан ишлашлари, ҳамма масалаларни тез ва малакали ҳал қилишлари зарур. Биринчи ярим йиллик ва умуман беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича шараф билан бажаришга эришмоғимиз, бинокорлар армиясининг диққат — эътиборини ана шунга қаратишимиз лозим.

Қишлоқ қурилиши соҳасидаги муваффақиятларимиз маҳаллий Советларнинг, депутатларнинг кенг жамоатчиликнинг ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда 1973 йилги план ишлаб чиқилмоқда. Келгуси йилда қишлоқ қурилиши бўйичэ 1 миллиард 352 миллион сўм давлат капитал маблағлари, колхозларнинг 430 миллион сўм маблағи ўзлаштирилиши керак. Бу эса 1972 йилдагидан анча кўпдир. Энг муҳим вазифа ана шу маблағларни ғоят зарур объектларга тақсимлаш, заказчилар ва пудратчиларнинг ўзаро келишиб иш тутишини таъминлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қурилишларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш манбаларини аниқлашдан иборат бўлиб, шу йўл билан янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб қурилиш ишларини қизитиб планларни ўз вақтида ва сўзсиз бажаришни таъминлаш керак.

Қишлоқларни қайта қуриш, кўркам ва обод посёлкалар барпо этиш давлат аҳамиятга эга бўлган умумхалқ ишидир. Бу вазифани бажаришда фақат бинокорларгина эмас, шу билан бирга маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, савдо, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш органлари, маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, бутун жамоатчилик иштирок этиши зарур.

Республикамиз бинокорлари ва барча меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида қишлоқларда янги, коммунистик посёлкалар вужудга келтиришдек муқаддас вазифани муваффакиятли бажарадилар ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни бартараф этишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз. (Қарсаклар).

ДЕПУТАТ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Т. НАБИЕВ нутқи

Ўзбекистон ССР Олий Совети қурилиш ва бинокорлик материалларн саноати доимий комиссиясининг ранси

Республика Олий Совети доимий комиссиясининг фикрича, қишлоқ қурилишини комплекс асосда олиб бориш ўз ишнинг туб масалаларидан биридир. Яқинда биз бу масалани махсус муҳокама қилдик. Текшириш натижасида кўпгина районлар, колхозлар ва совхозларда ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари билан бир қаторда мактаблар, болалар муассасалари ва маданий-маиший муассасалар, соғлиқни сақлаш объектлари ҳам қурилаётганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга комиссия қишлоқ қурилишида катта резервлар борлигини аниқлади. Бизнинг назаримизда қишлоқ қурувчилари, лойиҳачилар ва архитекторлар бу резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга тинмсиз ҳаракат қилишлари керак.

Қурилиш ишлари ҳали кўпинча ҳозирги технология талабларига мос келмайди. Кўпгина уй-жой бинолари тегишли инженерлик коммуникациялари тайёр бўлмасдан аввал қуриб битказилмоқда. Лойиҳачилар билан архитекторлар баъзан маҳаллий шароитнинг хусусиятларини ҳисобга олмаётирлар.

Лойиҳаларнинг сифати паст. Кўп холларда лойиҳа ташкилотлари ишлаб чиқаётган посёлкаларнинг бош планлари қишлоқ меҳнатчиларининг коллективларида муҳокама қилинмаётир. Кўпчилик колхозлар маблағларни кўп сонли объектларга бўлиб юбормоқдалар.

Маҳаллий Советлар қишлоқ посёлкаларини комплекс қуришни алоҳида назорат остига олишлари ва колхозларга амалий ёрдам беришлари керак.

Республикамизда салмоқли лойиҳа институтлари ҳамда юқори малакали инженер-лойиҳачилар ва архитекторларнинг катта отряди бор. Ана шу кучдан омилкорлик билан фойдаланиш, илғорларнинг ижобий тажрибасини лойиҳачилар орасида кенг оммалаштириш лозим. Улар колхоз ва совхоз посёлкаларини қайта қуришда қишлоқ меҳнатчиларига бевосита ёрдам беришлари керак.

Бинокорлар билан лойиҳачилар ишларнинг таннархини арзонлаштириш йўлларини қунт билан ўйлашлари лозим. Қишлоқ қурилишида енгил конструкциялардан кенг кўламда фойдаланиладиган бўлсин. Сермеҳнат ишларни механизациялаш ҳам энг зарур вазифаларнинг биридир. Республиканинг ҳамма корхоналари ва ташкилотлари колхоз ва совхоз посёлкалари қурилишини оталиққа олишлари керак. (Қарсаклар).

Депутат П. ҚАЮМОВ нутқи

Андижон область ижроия комитетининг ранси

Андижон областида тўққизинчи беш йиллик план амалга оширила бошлаганидан буён қишлоқ хўжалиги иншоотлари қурилишига кўп маблағ сарфланди. Неча юзлаб ишлаб чиқариш иморатлари, кўп миқдорда уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиб, фойдаланиш учун топширилди. Қурилиш ташкилотларининг техникавий-иқтисодий базаси анча мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда областда хилма-хил техника ва механизмлар билан таъминланган қирқдан ортиқ қурилиш ташкилотлари ва ихтисослаштирилган ташкилотлар бор.

Лекин шундай бўлса ҳам қишлоқдаги қурилиш ишларининг аҳволи талабга жавоб бермайди. Айрим қурилиш ташкилотлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаётирлар. Пахтачилик совхозлари, Андижон сув омбори, паррандачилик фабрикаси, чорвачилик фермалари ва бошқа баъзи объектлар қурилиши суст бормоқда. Маҳаллий Советлар, қурилиш ва хўжалик ташкилотлари капитал қурилишга ажратиб бериладиган маблағлардан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Шу билан бирга баъзи масалаларни кўриб чиқишни ҳам илтимос қиламиз.

Бизнинг фикримизча, Қишлоқ қурилиши министрлиги механизациялаштирилган кўчма колонналарни зарур ишлаб чиқариш базаси билан таъминлаши, йирик панелли уйсозлик корхонасининг дурадгорлик цехини ва темир-бетон буюмлар полигонини реконструкция қилиши ҳамда кенгайтириши керак. Андижон областида йирик панелли уйсозлик комбинатини қуриш ғоят зарур бўлиб қолди.

Областимиздаги 158 колхоз ва совхоз посёлкасидан атиги 69 тасида замонавий талабларга жавоб берадиган бош планлар бор. «Ўзгипросельстрой» ва «Ўзгипросельхоз» институтлари бу соҳада бизга кўнгилдагидек ёрдам бермаётирлар.

Қишлоқларда ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар типовой лойиҳаларининг сифати паст эканлиги бизни ташвишга солмоқда. Танлаб олиш ложи бўлган лойиҳалар жуда кам. Шу сабабли баъзан конкрет маҳаллий шароитларга мос бўлиб тушмайдиган ҳужжатлардан фойдаланишга тўғри келади.

Андижон областининг меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ва СССР ташкил топган куннинг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар. (Қарсаклар).

Депутат В. П. ЕСИН нутқи

Фарғона область ижроия комитети рансининг ўринбосари

Областимиздаги бир қанча илғор хўжаликлар барча замонавий қулайликлар, водопровод, газ, марказий иситиш системаси, радио, телефон алоқаси, маданий, медицина ва маиший хизмат муассасаларига эга бўлган совхоз ва колхоз поселкаларини қуриш соҳасида ижобий тажриба орттирдилар. Ленинград районидаги Энгельс номли, Қўва районидаги «Коммунизм» ва «Социализм» колхозлари, Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли, Фрунзе номли колхозлар территориясида, «Беш Ариқ» совхозининг марказида ва бошқа кўп жойларда чинакам шаҳар типидаги поселкалар қад кўтарди. Мана шуларнинг ҳаммасида қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари коллективларининг катта хизмати бор. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари туфайли қишлоқларни тубдан қайта қуриш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги вақтларда тажриба тариқасида қурилиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Бизда ана шундай тажриба ишлари янги тузилган «Пахтакор» совхозида олиб борилмоқда. Бу ерда 50 дан ортиқ уй барпо этилди, болалар боғчаси, устахоналар, инженерлик коммуникациялари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари ўтказилмоқда. Барча қурилишлар область ва республика мутахассисларининг назорати остида олиб борилмоқда. Улар бинокорларга техника ва архитектура жиҳатидан ёрдам бериб турибдилар. Сал фурсат ўтмай «Пахтакор» поселкаси ҳамма учун намунали бўлиб қолади.

Шу билан бирга қишлоқларда капитал қурилиш ишларининг савияси ўсиб бораётган талабларга тўла жавоб бермаётганлигини уқтириб ўтиш керак. Баъзи аҳоли яшайдиган пунктлар бош плансиз қурилмоқда. Қурилишлар комплекс равишда олиб борилмаяпти. Бизнинг қишлоқлардаги қурилиш ташкилотларимиз бир қанча кўрсаткичлар бўйича планни бажармаяптилар. Баъзи жойларда қурилиш ишларининг сифати паст. Ишчи кучи етишмайди, кадрлар ўртасида қўнимсизлик катта.

Лойиҳаларда маҳаллий материалардан иложи борича кўпроқ фойдаланишнинг кўзда тутилиши жуда муҳимдир. Маҳаллий материалларни ишлатиш объектларнинг қимматини ҳеч сўзсиз камайтирган бўлур эди.

Қишлоқ қурилиши ташкилотларининг материал-техник базасини мустаҳкамлаш энг муҳим проблемалардан биридир. Бизнинг областимизда бу соҳада эндигина биринчи қадамлар қўйилди. Баъзи корхоналар комплект темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқармоқда. Қўқон ва Файзиободдаги бинокорлик материаллари комбинатлари болалар боғчалари, яслилар ва уй-жой бинолари учун керамзит-бетон панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Бу эса қишлоқ қурилишида кўпроқ йигма материалдардан фойдаланишга, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни камайтиришга, қурилиш муддатларини қисқартиришга имкон беради. (Қарсаклар).

Депутат С. Т. ТОШҚУЛОВ нутқи

Тошкент область ижроия комитети рансининг ўринбосари

Тошкент областида қишлоқ қурилиши ишлари ҳажми анча кенгайди. Совхоз ва колхоз посёлкаларини комплекс тарзда қуриш соҳасида ижобий тажриба тўпланди.

Аммо шундай бўлса ҳам, қурилиш ишларининг суръатлари ва сифати кўнгилдагидек бўлмай, ҳозирги куннинг талабларига жавоб бермайди. «Ташоблколхозстрой», «Ташоблсельстрой» трестлари ва 23-трест колхоз ва совхозлар ажратиб берган капитал маблағларни суст ўзлаштирмоқдалар. Қурилиш ишларини механизациялаш даражаси ҳали ҳам паст. Қишлоқдаги бинокорлар механизмларга, автотранспортга, хусусан автокранлар, йигма темир-бетон, деворбоп, норуда материаллар ва бошқа материалларга муҳтож бўлиб қолдилар.

Республика Совхозлар министрлиги ва Озиқ-овқат саноати министрлиги совхозларда уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши соҳасида ўз вазифаларни тўлиқ бажармаяптилар. Озиқ-овқат саноати министрлиги ўз совхозларида ҳаммом, соғлиқни сақлаш объектлари ва маиший хизмат комбинатлари қуриш тўғрисида мутлақо ғамхўрлик қилмаётир.

Қишлоқдаги қурилиш ташкилотларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш қониқарсиз эканлиги — жиддий камчиликларнинг биридир. «Ўзгипросельстрой», «Ўзгипросельхоз», «Ўзгипрозем», «ТашГенплан» институтлари кўп объектларга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаб бермаётир ва бу билан қурилиш муддатларини кечиктирмоқдалар.

Шу беш йилликда областимизда саноат негизида йирик чорвачилик комплекслари қурилиши кенгайтириб юборилади. Республика Совхозлар министрлигидан қурилишни маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал этишни илтимос қиламиз. Қишлоқ қурилиш министрлиги, «Ўзколхозстрой»га қарашли механизациялаштирилган кўчма колонналарнинг қувватини мустаҳкамлаш, уларни автокранлар ва керакли механизмларнинг ҳаммаси билан таъминлаш зарур.

Тошкент областидаги маҳаллий советлар, қурилиш трестлари, область ижроия комитетининг бўлим ва бошқармалари қишлоқдаги қурилиш ишларини жадаллаштириш учун ҳамма чораларни кўрадилар. (Қарсаклар).

Депутат Ш. К. ХАЙРУЛЛАЕВ нутқи

Бухоро область ижроия комитетининг раиси

Бухоро областидаги қурилиш ташкилотлари қишлоқдаги қурилишнинг техникавий даражасини ошириш ва янги самарали конструкциялар ҳамда материаллардан кенг фойдаланиш имконини берадиган ишлаб чиқариш базасини вужудга келтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Қишлоқда қурилиш ишлари характерининг ўзи ҳам тамомила бошқача бўлиб қолди. Қурилиш ишларининг ана шу характери қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, саноат негизига кўчириш йўлидаги ҳаракатни тобора тўлароқ акс эттиради. Чорвачиликни тобора ихтисослаштириш ва марказлаштириш ҳамда чорвачилик комплексларини қуриш гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштиришда индустриал методларни қўлланиш партия, совет ва хўжалик органларининг энг муҳим вазифасидир. Бу йил областда қишлоқдаги қурилишнинг умумий ҳажмида йирик чорвачилик комплексларининг салмоғи анча ортди. Бу комплекслар ҳақиқатан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Область ижроия комитетининг қарорига биноан, ўтган йили тажриба тариқасида Свердлов районидаги колхозларга марказлаштирилган тартибда капитал маблағлар ажратиб берилди. Капитал қурилишнинг хўжалик ҳисобидаги бўлимига барча пудратчи ташкилотларнинг қурилиш-монтаж ишларини бажариши устидан марказлаштирилган тартибда контроль қилиш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи берилди. Хўжалик ҳисобидаги бўлимнинг ташкил этилиши иқтисодий жиҳатдан наф келтирадиган бинокорлик материалларидан қишлоқдаги қурилишда фойдаланиш, битказилмай қолган ишлар ҳажмини қисқартириш, маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик, материал-техника ресурслари ва одам кучларини ишга тушириладиган объектларга тўплаш имконини берди. Хўжаликлар раҳбарларининг фикрича, шундай тартибда ҳисоб-китоб қилинганида қурилиш устидан техникавий назорат кўпроқ самара беради, объектлар лойиҳа-смета ҳужжатлари ва машина-ускуналар билан ўз вақтида таъминланади. Хўжалик раҳбарлари навбатдаги ишлар билан шуғулланиш учун кўпроқ вақтга эга бўладилар.

1972 йилда Бухоро, Вобкент ва Ғиждувон районларидаги капитал қурилиш бўлимлари тўла хўжалик ҳисобига кўчирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Хутор системасини тугатиш ва республика колхозларида капитал қурилишни тубдан яхшилаш тўғрисида»ги қарорида хўжалик ҳисобидаги капитал қурилиш бўлимларимизнинг иш тажрибаси маъқулланди.

Бухоро областидаги партия ва совет органлари, қишлоқ қурувчилари партия ва ҳукуматнинг ишончи ҳамда ғамхўрлигига амалий ишлари билан жавоб берадилар, тўққизинчи беш йиллик планларининг бажарилишини таъминлайдилар. (Қарсаклар).

Депутат И. П. ДРИЖАК нутқи

Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари

Бутун республикада бўлгани каби Хоразм областида ҳам қишлоқларни қайта қуриш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Бизнинг шароитимизда хуторларни тугатиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, муайян социал-сиёсий шароитлар тақозоси билан Хоразмда аҳоли жойланишининг асосан хутор системаси тарихий жиҳатдан таркиб топган. Бу система ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг характерига мос келмайди, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишни қийинлаштиради.

Область партия комитети билан область ижроия комитети 1963 йилдаёқ зарур инженерлик иншоотларига ва маиший корхоналарга эга бўлган колхоз посёлкаларини оммавий равишда қуришга киришиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шу қарор ҳозир бажарилмоқда.

Ал Хоразмий номли совхоз ва Боғот районидаги Нариманов номли колхоз посёлкалари қурилишни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу посёлкалар шинам қилиб қурилган, ҳамма коммунал қулайликлари бўлган етарли уй-жой фонди барпо этилган.

Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли ва Киров номли, Урганч районидаги Ленин номли ва К. Маркс номли, Хива районидаги Ленин номли ва Огаҳий номли колхозлар, Гурлан районидаги «Янгиобод» совхози ва бошқа бир қанча хўжаликлар қишлоқларни қайта қуриш соҳасида катта иш қилмоқда.

Шу билан бирга бу муҳим ишда ҳал этилмаган бир қанча масалалар борки, улар область колхозларида қурилишни кечиктирмоқда. Посёлкаларнинг бош планлари бўлган тақдирдагина колхоз ва совхозларнинг марказий қўрғонларини ҳамда истиқболли аҳоли пунктларини комплекс қилиб тўғри қуриш мумкин. Лекин колхоз ва совхозларимизнинг 60 процентигина ана шундай планлар билан таъминланган. Қишлоқ қурилиш ташкилотларининг қуввати ўсиб бораётганлигига қарамай, қишлоқдаги кўпгина иморатлар ҳали ҳам колхозчиларнинг кучи билан қурилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш даражасини ошириш, қишлоқ қурилиш ташкилотларини ва якка тартибда уй қурувчиларни чидамли арзон бинокорлик материаллари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида областда деворбоп панеллар заводини, Қўшқўпир районида силикат ғишт заводини ва областдаги бир қанча қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини лойиҳалаш ва қуришни тезлаштириш юзасидан тегишли чораларни кўриш керак.

Бу вазифаларнинг ҳал этилиши бинокорлик материаллари етишмаслигини анча камайтирган, хутор системасини тугатишни тезлаштирган бўлур эди. (Қарсаклар).

Депутат С. БАДАЛОВ нутқи

Задарё районидаги «Гигант» колхозининг ранси

Наманган областидаги бошқа хўжаликларда бўлгани сингари Задарё районидаги бизнинг «Гигант» колхозимизда ҳам аҳоли яшайдиган пунктларни қуриш, обод қилиш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган беш йиллик мобайнида колхозимиз капитал қурилиш учун икки миллион 37 минг сўм маблағ сарфлади. Ана шу маблағлар ҳисобига колхозчилар учун 77 уй, 440 ўқувчига мўлжалланган мактаб, икки дала шийпони сигирхона, кинотеатр, бир қанча коммунал-маиший объектлар қурилди.

Биз Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчи ҳам қишлоқларимиз шарафига улкан ёдгорлик барпо этдик, колхоз қишлоғининг қоқ марказида фонтан қурдик. Колхоз ичкарисидаги йўллар ремонт қилинди, асфальтланди.

Биз ҳали кўп иш қилишимиз керак, Беш йиллик мобайнида 94 та уй-жой, уч болалар боғчаси, ёзлик кинотеатр, икки бузоқхона, уч сигирхона, паррандачилик фермаси, минерал ўғит сақланадиган омбор, ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, стадион, қишлоқ хўжалик машина-механизмлари асраладиган айвон қуришимиз лозим. 11 та артезиан қудуғини қазиш ва беш километр узунликда водопровод шаҳобчасини ўтказиш режалаштирилмоқда

Менинг фикримча, қишлоқда капитал қурилиш соҳасида етилиб қолган, лекин ҳали ҳам ҳал этилмаётган бир қанча проблемалар бор. Мен мана шу проблемаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Бизнинг фикримизча, объектларни фойдаланишга топширган чогда қабул қилиб олиш актларида иншиот сифатини гарантиялайдиган моддаларни ҳам киритиш лозим, токи бинокорлар ўзлари йўл қўйган нуқсон ва камчиликларни гарантиланган муддат давомида ўз ҳисобларидан тузатсинлар. Бу эса бинокорлар бажарадиган иш учун уларнинг масъулиятини анча оширади.

Қурувчиларга мукофот пулини улар қурилишни бошлаб юборган тугаллаш муддатларига албатта риоя қилган тақдирдагина тўлаш айни муддао бўлур эди.

Ҳозир областимизнинг колхозлараро қурилиш трести планлаштиришнинг янги иқтисодий системасига ўтказилди. Бу тадбир яхши натижалар бермоқда. Кичик пудрат ташкилотларини ҳам планлаштиришнинг ана шу янги системасига ўтказиш лозим. (Қарсаклар).

Депутат С. ҲАМРАЕВА нутқи

Нурота район ижроия комитетининг ранси

Барча совет халқи сингари Нурота район меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIV съездининг режаларини сабот-матонат билан амалга оширмоқдалар. 1971 йил — беш йилликнинг биринчи йили топшириқлари ҳамма кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Район чорвадорлари 1972 йил — СССР ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейи нишонланадиган йилнинг топшириқларини бажариш учун қўшимча резервлар ва имкониятлар излашга интилаяптилар.

КПСС XXIV съездининг Директиваларида қишлоқ қурилишини янада яхшилаш кўзда тутилади. Қишлоқ қурилишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари масаласи Ўзбекистон ССР Олий Совети учинчи сессиясининг муҳокамасига қўйилганлиги тасодифий эмас. Бу муҳим ва ҳаётий масаладир.

Яқиндагина Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарорнинг колхозларга, шунингдек районимиздаги давлат хўжаликларига бевосита алоқаси бор.

Районда ўтказилаётган ҳамма ишлар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига умумхалқ мусобақаси байроғи остида бажарилмоқда. Район марказида, марказий қўрғонларда ва аҳоли пунктларида кўпдан-кўп маданий-маиший объектлар, замонавий уй-жой бинолари қуриб битказилди. Бу бинолар қишлоқларнинг жамолини очди. Улар қишлоқларни янги типдаги социалистик посёлкаларга айлантирди.

Меҳнаткашларимизнинг ҳаёти йил сайин яхшиланиб бормоқда, шунингдек уларнинг талаблари ҳам ортмоқда. Шуни айтиш лозимки, райондаги мавжуд маданий-маиший объектлар эҳтиёжларимизни тўла қондирмаяпти, деб бўлмайди. Кўпгина маданий-маиший муассасаларнинг бинолари қурилганлигига 20-30 йил бўлди ва анча эскириб қолди. Колбуки, Маҳаллий саноат министрлиги, Савдо министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги районнинг олис қишлоқларида маданий-маиший объектлар қуриш учун етарли даражада маблағ ажратмаяптилар. Биз шу министрликлар бизнинг истакларимизни назар-эътиборга оладилар, деб ишонамиз.

Республика Қурилиш министрлиги Жомбойда 15-қурилиш трести қураётган темир-бетон ва панель уйлар ясайдиган заводни тезроқ битказиб, фойдаланишга топширишини сўраймиз. (Қарсаклар).

Депутат Ғ. Н. НАСРИДДИНОВ нутқи

Сарноснё район партия комитетининг биринчи секретари

Районимизнинг партия ва совет ташкилотлари қишлоқ бинокорлари орасида ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар савиясини оширмоқдалар.

Афсуски, биз барча қурилиш техникасидан ғоят самарали фойдаланяпмиз, деб айтолмаймиз. Механизмлар ва транспорт анча вақт бекор туриб қолмоқда, қурилиш-монтаж ишларининг сифати талабга баъзан жавоб бермайди.

Маблағларнинг кўп объектларга тақсимланиб юборилиши, бинолар ва иншоотларнинг ўз вақтида ва батамом қуриб битказилмаётганлиги шу соҳадаги муҳим камчиликлардан биридир. Масалан, Ленин номли ва Калинин номли колхозларда клуб бинолари қурилиши етти йилдан бери битказилган эмас.

Автомобиль парки, бинокорлик техникаси парки жуда секинлик билан кенгайтирилмоқда. Қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми тобора кўпайгани ҳолда, машина-механизмлар миқдори аввалгидек қолмоқда.

Биз тегишли министрликлар ва идоралардан бу аҳволни чуқур текшириб кўришни, қишлоқ бинокорларининг муваффақиятли ишлашини таъминлаш учун етилган масалаларни ҳал этишни сўраймиз.

«Ўзбекбирлашув» раҳбарлари чакана савдо йўли билан келтириладиган ёғоч-тахтани алоҳида назорат остига олишлари керак. Барилаётган ҳисоботларда гарчи ҳамма нарса ўз жойида бўлса ҳам, лекин базалар, омборлар ва магазинлар ярокисиз ёғоч-тахталар билан тўлиб кетган. Ёғоч-тахта бор-у, лекин ундан қурилишда фойдаланиб бўлмайди. «Ўзсельхозтехника» базалари бинокорлик материалларини ўз вақтида олмаяптилар.

Хутор системасини тугатиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети биргаликда белгилаган тадбирлар колхозларда капитал қурилиш суръатларини жадаллаштиришга, қишлоқларни обод қилишга имкон беради. Колхозларнинг марказларини реконструкция қилиш ва шу асосда майда-майда қишлоқлар системасини тугатиш учун маҳаллий партия ва совет органлари, колхоз правлениелари ва партия комитетлари бинокорларга ҳамиша конкрет ёрдам ва эътибор бериб туришлари лозим. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун биз бутун куч-ғайратимизни сафарбар қиламиз. (Қарсаклар).

Депутат М. ДАДАЖОНОВ нутқи

Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз директори

Улуғ Ленин номи билан аталган бизнинг совхозимиз Мирзачўлда бундан атиги уч йил муқаддам ташкил қилинган эди. Совхоз территорияси йил сайин яхшиланиб, обод бўлмоқда. Бу ерда қисқа вақт ичида саҳни 26 минг квадрат метр келадиган уй-жой қурилди, 500 оила ҳовли тўйи ўтказилди, қурилган уйларнинг кўпчилиги барча замонавий қулайликларга эга. Ҳозир маданият саройи, ўн йиллик мактаб биноси, ҳаммом, магазин, ошхона барпо этилмоқда. Автомат телефон станцияси, болалар боғчаси қуриб бўлинди.

Бироқ «Голодностепстрой» қурилиш ишларини бир мунча бир ёқлама олиб бораётганлиги сезилиб турибди. Тўғри, чўлқуварлар уй-жой билан таъминланмоқда, лекин маданий-маиший ва маъмурий объектлар қурилиши пайсалга солинмоқда. Бунинг натижасида истиқомат қилишга мўлжалланган кўпгина уйлар, мактаб, болалар боғчаси, магазин ва турли муассасалар учун фойдаланилмоқда.

Мирзачўлда янгидан-янги посёлкалар қад кўтармоқда. Шу боисдан бу ерда водопровод тармоқларини қуришни жадаллаштириш лозим.

Район марказн ва совхозларнинг аҳолиси табиий газ билан ҳали ҳам таъминланган эмас. Холбуки, уйларни газ билан таъминлаш иши аллақачон бошланган эди. Ҳар бир хўжаликда қурилиш ишларини зўр ғайрат билан жадал олиб бориш зарур. (Қарсаклар).

Г. Н. СУХАРЕВ нутқи

СССР қишлоқ қурилиши министрининг ўринбосари

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз қишлоқларида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳажми шундан аввалги икки беш йилликдаги қурилиш ҳажмидан икки баравар зиёддир. Ўзбекистон ССРда ҳам бу соҳада анча кўп иш қилинмоқда.

Қурилишнинг таннархини камайтириш биз учун катта аҳамиятга эга. Бу соҳада қандай катта имкониятлар борлигини Бўстонлик паррандачилик фабрикаси қурилиши мисолида аниқ кўриб билишимиз мумкин. Бу ерда енгил материаллар ва конструкциялардан фойдаланиш натижасида меҳнат сарфини 30 процент камайтириш ва қурилиш муддатларини 1,3 баравар қисқартириш имконияти туғилди.

Ўзбекистон Қишлоқ қурилиши министрлигининг қурилиш ташкилотлари замонавий қурилиш техникасини ва ишларни механизациялаштириш воситаларини кўп миқдорда олдилар. Бу эса қурилиш индустриясининг янги корхоналарини барпо этиш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш соҳасидаги катта программани амалга оширишга, республика районларининг кўпчилигида механизациялаштирилган кўчма колонналарнинг кенг шохобчаларини вужудга келтиришга ёрдам берди. Беш йилликнинг охирига бориб, қишлоқ хўжалиги бинолари ва иншоотлари учун тежамли енгил конструкциялар ишлаб чиқарадиган қувватлар вужудга келтирилади, дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқариш ортади, керамзит ва бошқа енгил тўлдиргичлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Ҳозирги кунда қурилиш техникасини ремонт қилиб берадиган ва металл конструкцияларни тайёрлайдиган корхоналар, автотранспорт хўжаликлари барпо этилмоқда.

Бу чора қишлоқдаги қурилиш ишларини маблағ, материал ва меҳнатни кам сарфлаган ҳолда техника жиҳатидан юксак даражада олиб бориш имконини беради. Қишлоқ ходимлари қурилиш ишларини индустриалштириш соҳасида илгари саноат ва шаҳар қурилишида кўп йилларни талаб этган тараққиёт йўлини бир неча йил ичида босиб ўтишлари керак. Биз ўтмишда асосий эътиборни қурилиш ташкилотларимиз ва корхоналаримизни вужудга келтириш ҳамда ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратган бўлсак, эндиликда асосий вазифа барпо этилаётган қувватлардан энг кўп фойдаланиш, уларнинг берадиган самараларини ошириш, капитал маблағларнинг берадиган натижаларини кўпайтиришдан иборат.

Ҳаёт бизнинг олдимизга колхозлардаги, шунингдек, совхозлар ва район марказларидаги қурилишларга хизмат қиладиган қурилиш индустрияси корхоналарининг ишини кооперативлаштириш масаласини қўймоқда. Давлат маблағларини ва колхозларнинг маблағларини кооперативлаштириш ягона план асосида ғоят унумли ишлайдиган корхоналарни қисқа муддатда вужудга келтириш ва бунинг учун кам маблағ сарфлаш имконини беради. Давлат қурилиш ташкилотлари ва колхозлараро қурилиш ташкилотлари ўртасидаги кооперативлаштиришни кучайтира бориш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилиш ишларини тубдан яхшилаш тўғрисидаги қарорини бажаришга ёрдам беради. (Қарсаклар).

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Боши учинчи бетда).

Депутат Қ. М. МАҲМУДОВ нутқи

Косон район партия комитетининг биринчи секретари

Даромаднинг тинмай ўсиб бораётганлиги қишлоқ аҳолисига тобора яхши ва маданий ҳаёт кечириш имконини бермоқда. Колхоз ва совхозларда капитал қурилиш ҳажми йил сайин кенгайиб бормоқда. Районда бош планлар асосида қурилган замонавий посёлкалар, янги мактаблар, болалар муассасалари, даволаш, профилактика ва маданий-маиший муассасалар қад кўтармоқда. Йўл қурилишида ҳам катта силжишларимиз бор.

Саккизинчи беш йилликда Косон районида қишлоқ капитал қурилишига 26 миллион сўм сарфланган эди. Саҳни қариб 20 минг квадрат метр келадиган уй-жойлар, 1760 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 900 ўринли болалар муассасалари, 15 клуб ва кинотеатр, 11 маиший хизмат уйи қурилди.

Тўқкизинчи беш йилликда районда қишлоқ қурилиши ҳажми янада кенгайтирилади. Капитал қурилиш учун саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 6 миллион сўм кўп маблағ ажратилди. 1971 йилнинг ўзидагина қишлоқларимизда саҳни 1600 квадрат метрдан зиёд бўлган уй-жойлар, 7 мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, 1800 ўринли клуб ва кинотеатрлар ҳамда бошқа объектлар қурилди.

Ҳозирги вақтда ободончилик ва кўкламзорлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Шу беш йилликда ҳамма қишлоқлар тўла электрлаштирилади, район маркази бўлган Косон шаҳри эса табиий газ олади, аҳоли яшайдиган барча пунктлар газ билан таъминланади. Районда барча коммунал қулайликларга эга бўлган Янги посёлкалар вужудга келади. Қашқадарё областининг ҳамма районларида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин.

Бироқ қишлоқда қурилишнинг ўсиш суръатлари ва техникавий даражаси КПСС XXIV съезди қарорлари талабларига ҳали ҳам тўла даражада жавоб бермаяпти. Мавжуд хўжор тарқоқлиги системаси ва кичик посёлкалар қурилиши давом эттирилаётганлиги қишлоқ аҳолисига маданий-маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш имконини бермайди.

Барча қишлоқларни қуриш бош планларини ишлаб чиқиш пайти аллақачон етиб келди. Бу планларда маҳаллий шароитлар албатта ҳисобга олиниши ва қурилиш ишлари ана шу шароитларга қатъий мувофиқ тарзда олиб борилиши лозим. **(Қарсаклар).**

Депутат М. Д. МУХОРТОВ нутқи

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги 12-қурилиш трестининг бошқарувчиси

Қорақалпоғистондаги қишлоқ бинокорларининг бошқа коллективлари каби бизнинг трестимиз ҳам кейинги йилларда ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлади. Механизациялаштирилган кўчма колонналарнинг кенг шохобчаси вужудга келтирилди. Темир-бетон конструкциялар тайёрловчи ишлаб чиқариш қувватлари оширилди.

Шуни айтиш керакки, шаҳар ташкилотлари негизида вужудга келтирилган трестлар ва механизациялаштирилган кўчма колонналарнинг инженер-техник ходимлари аҳоли яшайдиган йирик пунктларда қурилиш ишлари соҳасида тажриба тўпладилар. Аммо қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини етарли даражада билмаслиқ уларнинг асосий нуқсонидир. Ҳар бир трест қишлоқдаги қурилиш ишларида музлан тажрибага эга бўлмагани ҳолда ўз йўлидан боряпти. Бригадалар, участкалар, колонналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусида ўз схемасини белгилаяпти. Улар қабул қилаётган схемалар ҳамиша ҳам тўғри чиқаверади деб бўлмайди.

Энг яхши коллективларнинг тажрибаларини умумлаштириш, курслар, илғор тажриба мактаблари, семинар шохобчаларини анча кенгайтириш, буларда илғор қурилишлардаги ишларни кўрсатиш ва шу асосда қишлоқдаги бинокорлар раҳбарларининг техникавий савиясини ошириш лозим.

Главстройиндустрия — бизга йиғма темир-бетон етказиб берадиган асосий ташкилотдир. Бу ташкилот асосан шаҳардаги қурилишларга эътибор беряпти. Бу ҳол типовой лойиҳаларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Совхозларнинг раҳбарлари қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжларини эътиборга олиб, бу лойиҳаларни ўзгартирмоқдалар ва уларга тузатишлар киритмоқдалар. Бунинг натижасида бинонинг қиёфаси ўзгаради, айрим ҳолларда эса ҳатто бош план схемасини ҳам ўзгартиришга тўғри келади. Қишлоқ биноларининг типовой лойиҳаларини тезроқ тузиб чиқиш, уларни муҳокама қилиш ва конструкциялар тайёрловчи саноат қувватларини вужудга келтириш учун ана шу лойиҳаларни бинокорларга топшириш керак.

Биз, қишлоқ бинокорлари қурувчилар тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматидан миннатдормиз. Ҳамма ишларимизни янада юксак даражага кўтариш учун зарур чораларни кўрамиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Ҳ. М. НОСИРОВ нутқи

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри

Қишлоқларда қурилиш ишлари тўғрисидаги масаланинг Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида муҳокама қилинаётганлиги партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқларни тубдан қайта қуришга катта аҳамият бераётганлигини кўрсатмоқда. Партия ва ҳукумат қишлоқ меҳнаткашларига юксак унумли ишлаш учун, маданий-маиший хизмат даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга зўр эътибор бермоқда. Биз учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қанча амалий масалаларга тўхталиб ўтишга руҳсат бергайсиз.

Заказчи бўлган баъзи министрликлар ва идоралар планда кўзда тутилган капитал маблағларни ўз вақтида бермайдилар ва шу билан қишлоқда қурилиш ишлари учун ишлаб чиқариш базасини яратишга ҳалал етказадилар. Республика Госплани капитал қурилишлар йиллик плани тузган чоғда капитал қурилиш, шунингдек пудрат ишлари бўйича пландаги кўрсаткичларга ўз вақтида тегишли ўзгартишлар киритган тақдирда бу камчиликни тугатиш мумкин.

Министрликнинг техникани ривожлантириш соҳасидаги тадбирлари тўла йиғма уй-жой биноларни ҳажмини анча кўпайтиришга кўзда тутади. Холбуки, бунинг учун бизда мавжуд қувватлардан ҳали тўла фойдаланилмаётир. Қишлоқларда қурилиш ишларини планлаштириш ва уларнинг лойиҳаларини тузишдаги нуқсонлар бунга сабаб бўлмоқда. Лойиҳалаш институтлари ҳам қишлоқларда йирик панелли уй-жой бинолари қурувчи мавжуд қувватларни ҳисобга олмай, қишлоқларда нуқул ғишт уйлар қуришни планлаштирмоқдалар.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги қишлоқлардаги қурилишларга фақат одат бўйича ғишт, цемент, оҳак, шифер юбориб турибди. Шағал ва қумга ўхшаш норуда, енгил материаллар сира етарли эмас. Холбуки, бусиз қурилиш ишларини давом эттириб бўлмайди. Бинокорлик материаллари саноати министрлиги қишлоқлардаги қурилишларни мана шу материаллар билан таъминлаб туриши керак.

Бинокорлик касбини ўрганиб олган қишлоқ ёшлари колхоз ва совхоз раҳбарларинг тазйиқи билан яна хўжаликка қайтиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Бу аҳвол қишлоқларда бинокор кадрлар тайёрлаш ва уларни доимий сақлаб қолиш соҳасида биз амалга ошираётган тадбирларни самарасиз қилиб қўймоқда ва қишлоқларда қурилиш ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу проблема билан район, посёлка ва қишлоқ Советлари шуғулланса яхши бўларди.

Қишлоқ қурилиши министрлигининг бинокорлик ташкилотлари шу йил биринчи кварталида обҳаво шароитининг ноқулай келганлиги туфайли юз берган қийинчиликларни бартараф қилиб пудрат ишлари беш ойлик планининг бажарилишини таъминлади.

Министрлик коллективи бундан кейин ҳам зўр ғайрат билан ишлайди ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча имкониятлардан фойдаланади, деб ишонтиришга руҳсат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

С. А. ОМЕРОВ нутқи

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозлардаги қурилиш давлат-кооператив бирлашмаси раиси

«Узколхозстрой» шу беш йилликда 1,2 миллиард сўмлик, ёки аввалги икки беш йилликдагига нисбатан 40 процент кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажариши керак.

«Узколхозстрой» ўтган йилдагидек шу йилнинг беш ойи мобайнида ҳам барча кўрсаткичлар бўйича белгиланган планни муваффақиятли бажарди.

Аммо қурилиш ҳажмларининг кескин суратда оширилганлиги ва қурилиш суръатларининг жадалаштирилганлиги билан бир қаторда қурилиш ишларининг сифатини яхшилаш ва қаймагини камайтириш бизнинг зиммамизга, аввало, бутун куч ва эътиборимизни қурилиш саноатининг технологиясини такомиллаштириш, бинокорлик материалларини ташишда транспорт схемасини қисқартириш, прогрессив, енгил йирик панелли конструкцияларни қурилишга жорий этишга, ишлаб турган корхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш йўли билан ишлаб чиқариш базасини мақсадга мувофиқ ривожлантиришга, сермеҳнат ишларни механизациялаштиришга сафарбар қилиш вазифасини юклайди.

Колхозлараро қурилиш индустрияси системасида беш йилликнинг охирига бориб уй-жойлар, маданий-маиший бинолар ва чорвачилик иморатларининг гайёр комплексларини ишлаб чиқариб, ўрнатиб берадиган 11 та қишлоқ қурилиш комбинати ишга туширилади. Бу чора қурилиш ишларининг муддатларини қисқартириш ва қурилишнинг қийматини камайтириш имконини беради.

Ғишт ва бошқа бинокорлик материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар реконструкция қилинади ва кенгайтирилади. Қўшимча-ёрдамчи корхоналарнинг катта қисми саноат балансига ўтказилади.

Енгил тўлдирғичлар ишлаб чиқаришни янгидан ўзлаштириш, асфальт-бетон, металл конструкциялари ишлаб чиқариш учун саноат базасини вужудга келтириш керак.

«Узколхозстрой» бирлашмаси колхозлардаги қурилиш учун давлатнинг ихтисослаштирилган ташкилотларини кенг жалб этиш билан бир қаторда, сантехника, термоизоляция, ободончилик каби махсус ишлар бўйича колхозлараро колонналари шохобчаларини кенгайтиради ва уларнинг қувватини оширади.

Ҳамма жойда посёлкаларни комплекс тарзда қуришга ўтиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Уй жой массивлари квартал-квартал қилиб қурилиши керак, маблағ ва ресурслар маданий-маъмурий марказни барпо этишга ҳам сарф қилиниши лозим.

Умуман қишлоқдаги қурилишни, шу жумладан колхозлардаги комплекс қурилишни тубдан яхшилаш учун ажратиб берилаётган капитал маблағларни планлаштиришни бутун чоралар билан тартибга солиш, барча маблағларни норматив муддатларда қурилишни тугаллашга сарфлаш, қурилишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш талаб этилади.

Колхоз бинокорларининг 35 минг кишилик отряди номидан сизларни ишонтириб айтаманки, биз ўз зиммамизга юкланган вазифаларни шараф билан бажариш ва КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш ва ўз ҳиссамизни қўшиш учун барча куч ва билимимизни сарф қиламиз. **(Қарсаклар).**

Депутат П. ДЎСАНОВ нутқи

Нарпай район қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи

Нарпай районида қишлоқ қурилишини бир неча ташкилотлар олиб боради. Улар шу беш йилликда анчагина иш бажаришлари лозим. Мен ишлаётган Нарпай колхозлараро қурилиш бошқармаси ҳам анча иш қилиши керак. Бошқарма коллективи топшириқларни муваффақиятли бажариш учун мусобақани кенгайтирмоқда.

Мен баъзи масалалар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Бир неча йиллардан бери «Коммунизм» ва Киров номли колхозларда шаҳар типидаги посёлкалар қурилмоқда. Уларни қуриш учун ажратилаётган маблағларга қараб иш тутилса, посёлкалар орадан 20 йил ўтгандан кейингина битади. Менимча, посёлкаларни қуришга ажратиладиган маблағларни кўпайтирмоқ лозим.

Район территориясидан газ қувури ўтсада, аҳоли шу арзон ёқилғи билан таъминланмаган. Холбуки, 11 колхозда газлаштиришга тайёргарчилик тугаяпти, икки колхозда эса лойиҳа ҳужжатлари тайёр. Биз районимизни газлаштиришда ёрдам берилишини сўраймиз.

Райондаги мавжуд колхозлараро қурилиш бошқармаси механизмлар билан яхши таъминланмаган. Кўтаргич кранлар, экскаваторлар, автопогрузчиклар айниқса кам. Бошқармага зарур техника етказиб бермоқ лозим. Шунингдек, қурилиш ташкилотлари ходимларини санаторийлар ва дам олиш уйларига йўлланмалар билан яхшироқ таъминламоқ, уларнинг дам олиши ва даволаниши учун яхши шароитлар яратиб бермоқ керак. Тегишли ташкилотлар малакали сантехниклар, электриклар, газчилар ва қишлоқ қурилишининг бошқа мутахассисларини тайёрлаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилмоқлари лозим.

Район қурувчилари олдимизда турган вазифаларни шараф билан бажарадилар ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрлайдилар. **(Қарсаклар)**

ИЮНЬ—МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

КУРАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАВР

(Боши биринчи бетда).

Тупроқни юмшоқ ҳолда сақлаш орқали ана шу шароит яратилади. Шунга кўра қатор ораларни сифатли қилиб ишлаш, айниқса культиваторларнинг иш органларини ҳам чуқурликка, ҳам ишланадиган эгатнинг кенглигига қараб тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бегона ўт босган участкаларда культиваторларнинг наральниклари олдига пичоқ, устара ўрнатиш керак. Улар яхши чархланган бўлиши керак.

Чигит 90 сантиметр схемаси асосида кенг қаторлаб экилган майдонларда ҳар бир эгатга 5 тадан юмшатгич панжалар ўрнатиш лозим. Бу панжаларнинг четдаги иккита наральниклари қисқа бўлиши ва учтаси тупроқни чуқур юмшатгич панжалардан иборат бўлмоғи лозим.

Вегетацион суғоришдан сўнг тупроқ ККО иш органлари билан юқори сифатли қилиб икки қатламлаб ишланади. Культиваторнинг ҳар бир секциясига 5 та қисқа ва эгатнинг ўртасидан юрадиган битта чуқур юмшатгич панжа ўрнатилиши керак.

Ғўзанинг тез ўсишини таъминлаш учун июнь ойида барча далалардаги ўсимликни бир ярим-икки марта озиқлантириш, ўғитларнинг хилига қараб табақалаштириб бериш (минерал ҳамда маҳаллий ўғитларни), уларнинг нормаси ҳамда ерга солиш техникасини ғўзанинг ривожланишига ва илгари солинган ўғитнинг миқдорига қараб табақалаштириш лозим. Биринчи озиқлантиришни яқин кунлар ичида тугаллаш ва ҳамма жойда иккинчи озиқлантиришни кучайтириб юбориш лозим.

Чигит қайта экилган майдонлардаги ғўзани зуллик билан озиқлантириш талаб этилади. Шундай қилинмаса ғўзанинг ўсиши учун озуқали элементлар, айниқса азот ва фосфор етишмаслиги вегетациянинг дастлабки даврида ўсимликнинг ривожланишини кечиктиради. Бу участкаларда ғўза қаторларининг ёнидан озиқлантирилади.

Ғўза шоналай бошлаган майдонларда озиқлантиришни жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу даврда ғўзалар тўла озиқлантирилса, унинг ўсиши тезлашади ва ҳосил элементлари тўпланиш суръати ҳам жадаллашади. Июнь ойида гуллаш босқичига кирган ғўзаларни азотли ва фосфорли ўғитлар аралашмаси билан озиқлантириш даркор.

Вегетацион суғоришни ҳамма чоралар билан тезлаштириш лозим. Бўз тупроқли далалардаги ғўзани июнь ойида бир-икки марта, қумлоқ ва зич тупроқли майдонларда эса — 2-3 марта суғорган маъқул. Ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқ тупроқли майдонларда ғўзалар июнь ойида бир марта суғорилади. Ҳар қайси ҳолатда ғўзанинг аҳволи ва ҳайдалган ер қатламидаги нам миқдори аниқланган ҳолда суғориш муддатлари белгиланади. Айниқса зич тупроқли, илдиз чириш касалига йўлиққан майдонлардаги ғўзани суғоришни тезлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир хўжалик ва бригадада ғўзанинг сувга бўлган талаби устидан қатъий агротехника назорати ўрнатиш, суғориш графикларини тузиш, етарли миқдорда тажрибали сувчилар ажратиш, уларнинг кечаю кундуз юқори унум билан ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб бериш талаб этилади.

Суғоришни ҳамма жойда сувни бир жойга тўплаб группа усулида ўтказган маъқул. Бу эса сувнинг бутун участкага бир меъёрда таралишини ва тупроқнинг бир меъёрда намланишини таъминлайди. Шуни унутмаслик керакки, тупроқ етарли миқдорда намланмаса ҳам, ёки ҳаддан ташқари захлатилса ҳам, бостириб суғорилса ҳам ғўзанинг ривожланиши учун зарар етказилади.

«Тошкент-1, 2, 3» навли ғўзаларни тўғри суғоришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, бу навли ғўзалар бир меъёрда, қондириб суғоришни талаб қилади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, суғоришдан сўнг культивация кечиктириб юборилса, ҳосилнинг талай қисмини қўлдан бой бериб қўйиш мумкин. Қишлоқ хўжалик органлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари ғўзани қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан муҳофаза қилиш юзасидан барча ишларни жуда эҳтиёткорлик ҳамда омилкорлик билан амалга оширишлари керак. Ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда, далачилик бригадаларида сигнализация постлари тузиш, далаларни системали равишда кўздан кечириб туришни таъминлаш, барча профилактика ҳамда зараркунандаларни йўқотиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш лозим.

Республикамиз пахтакорлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун беш йилликнинг иккинчи йилида юқори ҳосил етиштириш мақсадида астойдил кураш олиб борадилар. Ғўза парваришида агротехникани тўғри қўллаш — олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

БУ ГАВСИЯЛАР СОЮЗНИХИ, САНМЭ ОЛИМЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН, ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ КОЛЛЕГИЯСИ МАЪҚУЛЛАГАН.

ИЖОДКОРНИНГ ЙЎЛИ

МУХТОР АШРАФИЙ 60 ЁШДА

Республикамиз жамоатчилиги бугун Ўзбекистон музика маданиятининг йирик арбобларидан бири, композитор ва дирижер, СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Хамза номли Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати, профессор Мухтор Ашрафович Ашрафий туғилган кунинг 60 ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигини кенг нишонлайди.

Мухтор Ашрафий совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда вужудга келган янги профессионал театр ва музика санъатини ҳамда уларнинг оригинал турларини ривожлантиришда, мутахассисларга маҳсус этишда жонбозлик қилди. У Ўзбекистонда опера ва симфоник музиканинг яратилишида, санъатнинг бу турларини чинакам халқ мулкига айлантиришда катта ташаббус кўрсатди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат театри, Самарқанд давлат опера ва балет театри, Мухиддин Қори Ёқубов номидаги Ўзбекистон давлат филармонияси босиб ўтган улкан, нурли ҳаёт ва ижод йўли бевосита Мухтор Ашрафий номи билан ҳам узвий боғлиқдир. У, мана, 40 йилдирки, ўз таланти, истеъдоди, билимини ўзбек совет музика маданияти равнақига бахш этиб келмоқда. Гоҳ қўлига дутор ё тамбур олиб, гоҳ рояль ёнида, гоҳида эса халқ музика маданияти хазинасидан, айниқса шашмақом йўлларидан илҳомланган ҳолда янги, жозибали, салмоқдор, чуқур мазмунли асарларини ижод этиб, халқимизга мазкур қилмоқда.

Мухтор Ашрафий асли бухоролик. Унинг отаси ўз вақтида созанда ва хонандаликда анчагина танилган киши бўлган. Ёш Мухторжон ана шу санъатсевар, маданиятли оилада тарбия топди, музикага ихлос қўйди ва бутун умрини, ҳаётини шу санъатга бахш этиб келмоқда.

1924 йили 12 ёшли Мухторжон Бухоро Шарқ музика техникумига ўқишга кириб, дутор, тамбур чертиш сирларини ўрганади. Мохир шашмақомчи хонанда, созандалар Ота Жалолиддин Назиров, Ота Ғиёс Абдуғани, Домла Ҳалим Ибодов, Маъруфжон Тошпўлатов, Нажмиддин Насриддинов, Абдурахмон Умаров ва бошқалар мазкур техникум талабалари Шоназар Соҳибов, Аҳмад Ихтиёров, Фазлиддин Шахобов, Фазлиддин Шамсуддинов, Аюб Қодиров, Саид Алиев, ака-ука Султон ва Тўра Жўраев, Иброҳим Ҳамроев, Ҳайри Изомовлар қатори Мухтор Ашрафийга ҳам устозлик қилдилар. Аслини олганда, Мухтор Ашрафийга композиторлик илмини биринчи бўлиб ўргатган, унинг қалдирғоч ижодий фаолиятига ок йўл тилаган муаллими Николай Назарович Миронов бўлган.

Мухтор Ашрафий 1928 йили Самарқандга келади ва бу ерда рус совет композитори, музикашуноси, Ўзбекистон халқ артисти Н. Н. Миронов раҳбарлигида музика ва хореография институтида таҳсил кўради. Бугунги кунда ном козонган композиторлар Шоназар Соҳибов, Шариф Рамазонов Монас Левиев, Олимжон Халимовлар ҳам шу институтда таълим олганлар.

Мухтор Ашрафий 1931 йилдан бошлаб Тошкентдаги республика Давлат музикали театрининг музика раҳбари ва бош дирижёри сифатида ишга киришади. Шу ерда унинг ижодий маҳорати ва ташкилотчилик қобилияти аниқ намоён бўлади, шаклланади. У ўз устози, профессор С. Н. Василенко билан ижодий ҳамкорликда биринчи ўзбек опералари «Бўрон», «Буюк канал»ни яратади. Илк катта асарлари билан ҳақиқий композиторликка дадил қадам қўйган Мухтор Ашрафий шу кунга қадар 70 дан ортиқ салмоқли, ранг-баранг жанрдаги асарлар ижод қилди. Булар орасида 7 та опера ва балет, 3 музикали драма, 2 симфония, 4 симфоник поэма, катор симфоник сюиталар, 4 кантата, ўзбек музикали драмаларига ва кинофильмларга ёзилган музикалар, кўплаб романслар, қўшиқлар бор. У ўз опера ва балетларида Ўзбекистоннинг инқилобий даврларини акс эттиради («Бўрон» операси), республикада содир бўлган янгиликлар — социалистик қайта қурилишларни тараннум этади («Буюк канал», «Бахтлар водийси» операларини), кўҳна ва қадимий эртак ҳамда афсоналарга янгича мазмун бахш этади («Дилором» операси, «Темур Малик» балети), садоқат ва вафо бегараз дўстликни қуйлайди («Севги тумори» балети). У сўнгги ана шу асари учун Хамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати деган юксак унвон эгаси бўлди.

Унинг симфоник поэмалари ҳам катта маҳорат ва тинимсиз ижодий меҳнат туфайли бунёдга келган. Унинг «Қаҳрамоннома» номли биринчи симфонияси санъаткорга шуҳрат келтирди. Унга СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвон берилди. Бу асарда Улуғ Октябрь революциясининг шонли 25 йиллиги шарафланади.

Мухтор Ашрафий қатор музикали драма асарларининг автори ҳамдир. Унинг «Ичкарида» музикали драмаси «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» музикали драмалари каби Ўзбекистонда музикали театрни опера ва балет театрига айлантиришда, кўп овозли, хусусан симфоник музикани халкимиз орасида кенг тарғиб этишда муҳим босқичлик ролини ўйнади.

Ўзбек музика маданияти соҳасидаги янгиликлар, адабиёт ва санъат декадалари, ҳафталиклари ва кунлари Мухтор Ашрафий номи билан узвий боғлангандир. 1937 йили Москвада муваффақиятли ўтган Ўзбекистон санъатининг биринчи декадасида Мухтор Ашрафий катта олқишга сазовор бўлди. У икки бўлимдан иборат «Сайил ва колхоз тўйи» музикали, хореографик ашула ва адабий инсценировкани тайёрлашда, саҳналаштиришда жонбозлик кўрсатди. Бу декада Мухтор Ашрафий учун биринчи ва масъулиятли имтиҳон бўлди. 1951 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъатининг иккинчи декадасида Мухтор Ашрафий декада концертларининг бадиий раҳбари ва бош дирижери сифатида фаолият кўрсатди. Шу ўзига хос имтиҳон кунларида ижро этилган композиторнинг «Бахт қушиғи» кантатаси муваффақият козонди.

Бу моҳир санъаткор қатор кинофильмларга музикавий ҳаёт бахш этди. У тингловчиларга ҳуш ёқадиган камер куйлари, ашула ва романслар яратди.

У бир қанча мақолалар ва китобларнинг муаллифи ҳамдир. Шу кунга қадар 60 дан ортиқ илмий, назарий мақолалар ёзди. Унинг Н. Н. Миронов таҳрири остида босилган «Ўзбекистон ва бошқа Шарқ халқлари музика маданиятининг обзори» китобининг «Бухоро музикаси» кисми, «Ўзбекистон музика маданиятининг очерклари» китобига кирган бир қанча очерклари ва айниқса «Хиндистон кундалиги» алоҳида китобини музика тарихи, музикашунослик илми билан қизиқувчи кишилар севиб ўқийдилар.

Мухтор Ашрафий ўз ижодий фаолияти давомида моҳир дирижер сифатида ҳам маълум ва машҳур бўлган. У «Аида» «Кармен» «Князь Игорь», «Пиковая дама», «Паяцы», «Иоланта», «Бўрон» «Буюк канал», «Улуғбек», «Лайли ва Мажнун» операларига, «Оққуш кўли», «Спартак», «Доя Жуан», «Дон Кихот», «Бағчасарой фонтани», «Щелкунчик» каби қатор балетларга ҳамда жуда кўплаб совет ва классик симфоник музика асарларига моҳирлик билан дирижёрлик қилди.

Композитор ўзининг 40 йиллик ижодий меҳнат фаолияти давомида жуда кўплаб истиқболли порлоқ ёш санъаткорларнинг мураббийси бўлди. Бугунги кунда ўз талант ва маҳоратлари билан кўпчиликка танилган Дилбар Абдурахмонова, Фаттоҳ Назаров, Абдуғани Абдукаюмов, Ғани Тўлаганов, Кувонч Усмонов, Р. Фелициант, В. Руденко, Ф. Юнусов, Н. Халилов, М. Лазарев каби дирижер ва композиторлар уни ўз устозлари деб ҳурмат қиладилар.

Юбиляр санъаткоримиз бугунги кунда ҳормай-толмай ижод қилмоқда, шу билан бирга, музика маданиятимизнинг келгуси авлодини тарбиялаш соҳасида ҳам ўз талант ва маҳоратини аямай сарф этмоқда.

Биз, музика муҳлислари севимли санъаткоримиз таниклі композитор ва меҳрибон мураббий Мухтор Ашрафийга бугунги шодиёна кунида сиҳат-саломатлик ва янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Т. ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Я. А. ХУЖАЕВАГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Театр санъатини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институти кафедрасининг мудири Лола Аъзамовна Хўжаевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 8 июнь.
Тошкент шаҳри.

БОЛАЛАР ҚУЙЧИСИ

Илёс Муслим Пишпак (ҳозирги Фрунзе) шаҳрида туғилди. Ёшлик йиллари Пишпакда ва Тошкентда ўтди. Тошкентдаги эркаклар билим юртини 1930 йилда тамомлади. Сўнг Қашқадарё область Яккабоғ район мактабларида ўқитувчилик қилди.

1931 йилда у Тошкентга келиб, Ўзбекистон Давлат нашриётига ишга кирди. Адабий муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади.

Бизнинг дўстлигимиз ана шу йиллардан бошланди. Болалар ва ёшлар адабиётини кўпроқ ва яхшироқ нашр этиш учун 30 йилдан ортиқ бирга меҳнат қилдик, болалар редакциясини бошкардик. Янглишмасам, болалар адабиёти редакциясида Илёс Муслимдан кўпроқ ишлаган киши бўлмаса керак. У ҳозир ҳам «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаяпти. Илёс Муслим 60 дан ошган бўлса ҳам тиниб-тинчимайди, ўзини навқирон йигитдек ҳис қилади. Унинг боиси—доимо болалар ичида бўлиши, улар ҳаётига мосланиши, асарлари билан бирга яшаришидадир.

Илёс Муслим — Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. У оддий солдатдан старший лейтенант даражасигача жанговар йўлни босиб ўтган шоир.

Илёс камтарин ўрток, яхши дўст, тиниб-тинчимас заҳматкаш, асалари сингари у нуқул шеърий бол йиғади. Унинг шеърлари ҳамиша болдай ширин бўлсин, умри узоқ бўлсин, янги асарлари билан болаларни ҳамиша хурсанд қилаверсин.

Шукур САЪДУЛЛА.

Редактор М. КОРИЕВ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330,683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги— 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд —31—972, Термиз — 54—01 Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 134. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 04257.